

Илкнур Шахин (İlknur Şahin)

Мархума Ойдин Солиҳ хонимафанди илми ва мероси сифатида қолдирган асар кучини ва муҳимлигини ҳар ўтган кун яна бир бор исботламоқда.

Замонавий соғлиқ мезонларининг рақобатсизлиги ва инсониятга қарши замонавий тибб саноати ўлкамизни оч чигиртка тўдаси каби босиб олган бир пайтда, анъанавий ғоялар модерн тибб ҳимоячиларининг камситувчи ташбиҳига асосланган инқироз жараёнида Ойдинхоним анъананинг умиди бўлди.

Албатта, бошланган муҳокамаларда ҳимоясиз қолган модерн дунё тибб ва соғлиқ устидаги ҳукмронлигини қаровсиз қолдирмади, аммо бугун кичик бўлсада, бир анъана асосли тибб ва озиқланиш мафкурамиз бўлса, бунинг асосчиси Ойдин хонимдир.

Руҳига Аллоҳдан ғани-ғани раҳмат тилаймиз.

Ойдин хоним фикриётини ва фаолиятининг манбасини илоҳий ҳикматдан олар эди.

Олиб борган ишларини Исломий тиббиётнинг бир тури деб айтиш мумкин.

Унинг асос иддаоси инсон ўзига тавсия этилган набавий усулларга нақадар уйғун яшаса, касалликлардан у қадар қутулар эди.



ОЙДИН СОЛИҲ, НОБЕЛ ВА ОЧЛИК

Касалликнинг сабаби-замонавий турмуш тарзи ва фикрлар эди, касалликларни бошқариб бўлмас ҳолга келтирган эса замонавий тибб эди. Инсонни керак хасталиклардан тозалаш, керак бўлса соғлигини ҳимоя қилиш йўлида энг яхши тадбир очлик сеанслари, очликни бир яшаш тарзи ҳолига келтириш ва яна ўзига хос орган тозалаш жараёни эди.

Бу усуллар ҳам қисқа муддатда самарали, ҳам ҳар кимнинг қўллаши мумкин бўлган қадар арзон ва ҳамда ҳеч қандай ёмон таъсири бўлмаган амалиётлар эди.

Албатта Ойдин хоним асариде тушунтирилган бу усул ва тавсиялар замонавий соғлиқ таълими олганларнинг т а н қ и д л а р и д а н жабрланди.

Замонавий тибб Инквизициячи католик руҳонийлариникидан ҳам каттарок адоват билан Ойдин хоним ва унга ҳамфикр инсонларга ҳужумлар уюштирди.

Бугун Нобел тиббиёт мукофотини олган Йошинори Ошумининг автофагия ишлари билан бу

мукофотни олиши ва очликнинг инсон вужудида ҳужайраларнинг янгиланиши ва уларни тартибга солиши исботларини замонавий усуллар билан исботлаши анъанавий усулларнинг ҳақ эканлигига доир бурхон бўлди.

Энг қизиғи, бу ҳақиқатни йиллар давомиде баён этиб, бу мавзуда асар ёзган Ойдин Солиҳнинг диндор бўлгани учунгина киши ва муассасалар томондан тақдирланмагани бўлди.

Кўз ўнгимиздаги манзара шуни кўрсатаптики, замонавийликнинг соғлиқ устидаги барча бузилишларига қарамасдан, биз аъаначилар тўғри йўлдамиз. Модерн тибб биз фойдаланаётган меросни, қарийб 1500 йил кечмишини кўриб турибди.

Кўрқмасдан йўлимизда давом этишимиз керак.

Чунки биз тупроқ бўлсақда, маънавиятимиз илоҳий ҳақиқатлар номига зафарлар қозонишда давом этажак.

Замонавийлик ўз ҳалокат майдонини кенгайтирар экан, ундан қочган инсонлар нафасини набавий низомнинг соясида олажакдир.

Туркия туркчасидан
Ўзбекчалаштирилди
Манба: www.yenisoz.com.tr





Ўзбекистонда гапиришга тақиқ қўйилган бешта мавзу

1). Андижон воқеалари. 13 май 2005 йил Андижонда юз берган воқеаларнинг тўлиқ тафсилоти ҳалигача маълум бўлмаса-да ва кўп очик саволлар қолганлигига қарамасдан, ўшанда Каримов тинч намоёнчиларга қарши ўқ узишни буюрганлигини халқ жуда яхши билади. Диктатура тузуми ҳам ўз навбатида, ўзининг Андижон воқеалари ҳақидаги уйдирма шарҳига халқ ишонмаслигини билиб, бу мавзуни имкони борича четлаб ўтишга ҳаракат қилади.

2). Президентлик муддати. Ўзбекистон Конституциясига кўра, бир шахс сурункасига икки мартадан ортиқ Президент бўла олмаслиги мамлакатда ҳаммага маълум. "Каримовпараст"лар қанчалик диктаторни мақтамасин,

Конституцияда 90-модда борлигидан хабари йўқ гўё, лекин аслида бунақа модда борлигини жуда яхши билишади.

3). "Жаслик". Бу даҳшатли қамоқхона ҳақида Ўзбекистонда пичирлаб гапиришади. Мансабдор шахслар - ҳокимлар, милиция бошлиқлари - учун эса бу оддий халқни кўрkitиш

қуролига айланган. Аммо цензурананган давлат матбуотда бу ҳақда, умуман ҳибсхоналар, қамоқхоналар, у ердаги маҳбуслар қандай шароитларда сақланиши ҳақида бир жумла ҳам учрата олмайсиз.

4). Мухолифат. Ўзбекистонда гапиришга тақиқ мавжуд бўлган бир қанча исмлар бор. Бундан ташқари 1990 йил 20 июн куни қабул қилинган Мустақиллик декларацияси ҳақида, деярли гапирилмайди, бўлмаса Ўзбекистон мустақиллиги учун курашган Каримов эмас, балки бугунги мухолифатчилар бўлганлиги очилиб қолади-да! Умуман олганда, расмий матбуот ва телевидение учун мухолифат бу - ноқулай мавзу. Андижон воқеалари билан бўлгани

каби тузум бу мавзуга халқнинг қизиқиши ва мустақил манбаларга кенг мурожаат этишидан кўрқади.

5). Туркистон легиони. Бу ҳақда ҳатто Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида ҳам ҳеч нарса ёзилмаган. 25 йил ичида Туркистон легиони ҳақида Ўзбекистон ичкарасида биронта ҳужжатли фильм ёки китоб чиқарилмаган. Бундан ташқари Истиклолчилар ҳаракати, жаидлар, Туркистон мухторияти мавзулари кенг ўрганилмайди, ўқув даргоҳларида бу мавзуларга фақат қисқача тўхталади.

Албатта, юқорида кўриб чиқилган барча "тақиқ"лар биз "норасмий" дейишга одатланган юқори идораларнинг оғзаки тақиқларидир.

Ниманидир муҳокама қилиш қонунга асло ҳилоф эмас, балки Конституцияда ёзилган эркин фикр билдириш ҳуқуқидан фойдаланишдир.

Шундай қилиб, менинг Ўзбекистонликларга чақирғим: юқори идораларнинг барча норасмий "тақиқ"лариға тупуринг! Озод инсон бўлинг, уйда, ўқиш, иш жойингизда ўз фикрингизни очик билдилинг.

Чўлпоннинг "Кишан кийма, бўйин эгма, ки сен ҳам хур туғилгансан!", деган даъватига содик бўлинг, ватандошларим!

Алпарслон Эркчи

2016-йилнинг сентябр ойи бошларида Ўзбекистон телевидениесида "Зиё" кўрсатуви бошловчиси Анвар қори Турсунов марҳум президентимиз Каримов Ислому Абдуғаниевични роса мақтадилар. Айниқса ёмонликка - яхшилик билан, ғояга қарши ғоя билан, жаҳолатга қарши маърифат билан курашамиз, деган ибора Ислому Каримовга тегишли деб ҳисоблаб, уни ўта донолик тимсолига йўйдилар.

Маълумки, илм - ҳақиқатдир, тафаккур эса - миянинг ва ички ҳис-туйғуларнинг (қалбда рўй бераётган ёлғонга нисбатан нафрат орқали) улкан кучланиши ҳосиласи, маҳсулидир.

Демак, ёлғон гапирадиган кимсада, бировнинг ҳақини еганларда, халқ ва кўпчилик ҳақиға ҳиёнат қилувчи инсонларда умуман тафаккур бўлмайди, уларнинг ўз фикри бўлмайди.

Афсуски, Ислому Каримовда

Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг "Зиё" кўрсатувини кўриб...

доимо ёлғон гапириш ва ёлғончилиги билан мақтаниш улкан даражада эди.

Шу боисдан Анвар Қори Турсуновга жавоб бериш орқали бу ибора каминага тегишли эканини айтиб ўтсак.

Бу ибора аслида 1997 йилда мен томонидан бир раҳбарга айтилган эди, ҳалос. Ўша пайтда пул алмаштириш шаҳобчалари очилиб, ислохотларга саводсиз ёндошув натижасида, нафақат доллар сотадиган йигитлар, ёш-ёш қизлар ҳам ҳибсга олиниб, қамоқ жазосини ўтай бошлаганди. Мен ислохотларни илмий асосда ёндошиб ўтказилса ҳеч ким қамалмасдан мамлакатга бир йилда 20 миллиард (25 йилда 500 миллиард) АҚШ долларларида иқтисодий самара келиши

мумкинлиги ҳақида айтдим. Йилига бюджетга 1 миллиард доллар атрофида солиқ тўлаб, шу 1 миллиард доллар мамлакат халқига тарқатилган даврда - 500 миллиард доллар 25 йилда иқтисодий самара бериши сезиларлидир.

Бу И.А.Каримов ишонган раҳбарнинг ғазабини келтирди чамамда ва мен "ғояга ғоя билан, ёмонликка қарши яхшилик билан, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш керак" дедим.

Оранан 1,5 йилча ўтиб, 1999 йилнинг 16 февралда Тошкент портлатилган куни катта мажлисда, ўша мен учрашган давлат мулозими, менга 1997 йил И.А.Каримов айтгандилар ғояга

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Ҳожа билан, ёмонликка яхшилик билан, жаҳолатга маърифат билан курашиш керак деб юборди, телеэкранда крупний планда И. Каримовни кўрсатди, у хайрон эди.

Лекин ундан кейин ҳам

И.Каримовда ҳеч қачон кузатилмаган мардлик бўлмади. Бу ибора менга тегишли эмас дейишга Каримовда на тарбия, на одоб, на ҳомият, на ор-номус йўқ эди.

Бу, афсуски, бўлган воқеа, хафа бўлишдан не ҳожат, ахир бу лаганбардорлар Имом

Бухорийнинг "Ватанни севмоқ – иймондандир", деган сўзларининг тагига И.Каримов деб ёзиб қўйишгани кўпчилик ёдидан ҳали ўчмаган.

Ғулмоқдир Турсунов

Ноформал иқтисодчилар клуби
раиси

Мирзиёевнинг янги сиёсати: Ўзбекистонда диний мотивлар билан қамалганлар оилалари устидан назорат кучайтирилди

"Озодлик" радиосининг хабар беришича, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида диний мотивлар билан қамалиб жазо муддатини ўтаётган ёки ўтаб бўлганларнинг оилалари устидан сўнгги бир ой ичида назорат кучайтирилган.

Назорат баъзи ҳолатларда аъзоси "диний" маҳбус бўлган оилалар бошлиқлари билан шунчаки суҳбат кўринишида бўлса, бошқа ҳолатларда назорат тадбирига қатнашаётганлар хонадонларга кўриб билан бостириб кириб, тинтув ўтказмоқда.

Тўрт фарзанднинг онаси, чинозлик 54 яшар Инобат Мирзаеванинг иккинчи ўғли, 1983 йилда туғилган Аҳмадилло диний-экстремистик ташкилотга аъзоликда айбланиб, суд ҳукми билан 2006 йили 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

Онанинг айтишича, жазо муддати тугашига тақрибан бир ярим йил қолганида Аҳмадилло "раскрутка" қилиниб, муддатига яна 5 йил қўшиб берилган. Жазо муддати келаси йилда тугаши керак.

Инобат Мирзаеванинг айтишича, бундан қарийб бир ой олдин – сентябрнинг учинчи декадаси бошида унинг уйига иккита Damasда одамлар келиб, тинтув ўтказган.

- Келишди. Бошига каска кийволганлар дарвозамнинг олдида турди қоровуллаб. Ҳовлим эркакка тўлиб кетди. Уйларимни кўришди. Ҳамма хоналарга кириб чиқишди. Ошхоналаримгача кириб чиқишди, дейди Инобат Мирзаева.

У кутилмаган "меҳмонлар" келиши биланоқ ўзини ёмон ҳис қила бошлаган ва шунинг учун текширувчилар хоналарда нимани қандай кўрганидан беҳабар. Уларнинг қўлида қурол бор-йўқлигини ҳам эслолмайди. Бироқ у бошқа бир детални аниқ эслади:

- Уша куни неварам эндигина боғчадан келиб, уст-бошини алмаштириб, кўчага чиқиб кетган эди. Бироздан кейин уйга югуриб кирдида, "ойижон-ойижон, уйимизга аскарлар келди, қўлида

пистолети бор", деди ховлиқиб, деди Инобат Мирзаева.

Суҳбатдош ўша кунги воқеадан сўнг инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларига арз қилган. Ҳуқуқбонлар ўз навбатида Бош прокуратурага арз қилган ва яқинда Инобат Мирзаевага Бош прокуратурадан хат келган. "Хатда воқеа ўрганилажаги ва қонун бузилгани аниқланса, чора кўрилажаги айтилган", деди Инобат Мирзаева.

Тошкентлик бир тингловчининг айтишича, Чиноздагига ўхшаш воқеалар Тошкент шаҳрида ҳам бўлмоқда.

- 2000 йилдан кейин қамалган диний танишларимни яқинда Панельнийга олиб бориб қамаб қўишди. 10 кун ўтиришди. Ота-онаси ҳам билмади уларнинг қаердалигини. Яна бир танишим ҳозир Россияда. Унинг ҳам уйига келиб тинтув ўтказишган, деди тошкентлик тингловчи.

АҚШда истиқомат қиладиган тошкентлик блогер Мирраҳмат Мўминов Ўзбекистонда диндорлар ҳуқуқлари билан боғлиқ вазиятни мамлакатдаги ўз каналлари орқали мунтазам кузатиб, кузатишларини ижтимоий тармоқларда ёйинлаб келади.

Унинг айтишича, текширувчилар диний мотивлар билан қамалиб чиққан ёки қидирувга берилган, ҳозирда эса, Ўзбекистондан ташқарида юрганлар хонадонларига ҳам келмоқда.

- Бундай хабарлар, - дейди Мирраҳмат Мўминов, - Тошкентнинг Юнусобод, Олмазор ва Шайхонтовур туманларидан келди. Ҳамма жойда ҳам бир хил эмас. Баъзи жойларда тинтув ўтказилса, бошқа жойларда шунчаки суҳбат билан чекланишмоқда.

Суҳбат ўтказувчилар, Мирраҳмат Мўминов қўлга киритган маълумотларга қараганда, ташқарида юрганларнинг оила аъзоларига "Уғлингиз (эрингиз, акангиз, укангиз...) қайси давлатда яшайди, қаерда ишлайди, пул

жўнатадими, пулни қандай жўнатади, алоқага чиқадими, скайп адреси борми", каби саволлар бермоқда, уларнинг телефонини сўрамоқда".

Мирраҳмат Мўминовнинг айтишича, Тошкентдаги каби текшир-текширлар Андижонда ҳам бўлмоқда. Бу шаҳарда 2005 йил, 13 май воқеаларини уюштирганликда айбланиб келадиган "акрабийлар" оилалари текширилмоқда.

Диний мотивлар билан озодликдан маҳрум этилганларнинг яқинларидан келиб тушадиган аризаларни жамоатчиликка маълум қилиш билан шуғулланиб келаётган тошкентлик инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси Суръат Икромов Озодлик билан суҳбатда сўнгги бир ой ичида "диний"лар оилалари устидан назорат кучайганини қўлидаги аризаларга таяниб айтди:

- Диний мотивлар билан қамалганларнинг уйларига текширувчилар келиши кейинги пайтда жуда кўпайди. Сабабини билолмаяпмиз. Кўпчилик бўлиб, 10 – 15 киши бўлиб юзларида қора ниқоб, кўлларидида автоматлар билан келишяпти, деди Суръат Икромов.

У ўз ихтиёридаги аризаларга таяниб, Тошкент вилоятининг Зангиота ота ва Чиноз туманларида бир неча хонадонда ўтказилган тинтув тўғрисида айтиб берди. Улар орасида лавҳамиз бошида тилга олинган Инобат Мирзаева ҳам бор.

Диний мотивлар билан қамалганлар оилалари устидан назоратнинг фавқулодда кучайтирилиши сабаби нимада?

Бу саволни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Зикрилло Неъматовга беришга улгурмадик. Телефонни кўтарган мулозим, ўзимизни таништиришимиз биланоқ, алоқани узиб қўйди ва кейин кўнғироқларга жавоб бермади.

Бош вазир Шавкат Мирзиёевнинг виртуал шабулхонасига қилган мурожаатимиздан ҳам иш чикмади.

Манба: "Озодлик" радиоси

Саида Чақар

Тилшунос

Ўзбек тили расман давлат тили мақомини олганига 27 йил тўлди. 1989 йил 21 октябрь куни ЎзССР Олий Совети "ЎзССРнинг давлат тили ҳақида"ги қонунни қабул қилган эди.

Ушбу тарихий воқеа Ўзбекистондаги расмий тарғибот



томонидан мамлакатнинг СССРдан мустақиллиги йўлида қўйилган дастлабки жиддий қадам, деб тилга олинади ва кенг тантана қилинади.

30 моддадан иборат бу ҳужжат "тил миллатнинг бойлиги ва бебаҳо мулки" эканини тан олган.

Қонун ўзбек тили бутун Ўзбекистон бўйича давлат тили сифатида амал қилишининг ҳукукий асосларини белгилаб, иш юритишда, давлат органларига мурожаат қилишда ўзбек тилининг мавқеини биринчи ўринга олиб чиққан.

Айни чоғда, СССР қудратда бўлган вақтда ёзилган бу қонунда ўзбек тилининг мавқеи рус тили билан тенг келган ўринлар ҳам бор эди, кўп қаторларда рус тили "миллатлараро муомала тили" деб эҳтиёткорона ниқобланган.

Боз устига, баъзи ташкилотларда, масалан, Ўзбекистон ҳудудидаги ҳарбий қисмларда ўзбек тилининг амалда бўлмаслиги қонуннинг ўзида ёзиб қўйилганди.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг, 1995 йили давлат тили ҳақидаги бош ҳужжат янгиланди. Қонун матни ҳам, моддалар сони ҳам қисқарди, ундаги "рус тили" ва "миллатлараро муомала тили" бирикмаларининг ҳар бири бир донагача камайди.

Тил меъёрларини бузганларни жавобгарликка тортиш вақти келди Шухрат Сирожиддинов, Ўзбек тили ва адабиёти университети ректори

Бироқ янги қонун ҳам таажжубли жиҳатлардан ҳоли бўла олмади.

Масалан, қонуннинг давлат органларида иш ҳамда корхона-ташкилотларда ҳисоб-китоб, статистика ҳужжатларини юритиш ўзбек тилида бўлиши лозимлиги ҳақидаги талаблари 1995 йилдан эмас, балки ўн йилдан сўнг кучга

Ўзбек тили давлат тилига айландими?

кириши Олий Мажлис томонидан ҳужжатлаштириб қўйилди.

Орадан ўн эмас, йигирма йил ҳам ўтди - қонуннинг бу талаблари ҳозир ҳам тўлиқ бажарилмаяпти: Ўзбекистондаги деярли барча ширкатлар расмий ҳисоб-китобни рус тилида юритади, кўпинча ҳукуматнинг муҳим қарорлари фақат рус тилида эълон қилинади, қарор иловаларининг ўзбекча таржималари расмий манбаларда ҳам чиқмайди. Бу - қонундаги бажарилмаётган талабларнинг бир қисми, холос.

Ислом Каримов томонидан имзоланган 1995 йилги қонунда давлат тили ҳақидаги янги ҳужжат зарурати сабабларидан бири сифатида "лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига мукаммал ўтишни таъминлаш" зикр этилган.

Тилнинг ажралмас бўлаги сифатида, ўзбек ёзуви ҳам ўзининг серташвиш экани билан эътиборни тортади.

'Энг хунук лотин алифбоси'

Ўзбекистон раҳбарияти мустақилликка роппа-роса икки йил тўлганидан бир кун ўтиб, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисидаги қонунни қабул қилган.

Қонун "ўзбек ёзувининг лотин алифбосига ўтилган 1929-1940 йиллардаги ижобий тажрибасидан келиб чиқиб, кенг жамоатчилик вакиллари билдирган истак-хоҳишларини инобатга олган ҳолда" Ўзбекистоннинг ҳар тарафлама камол топиши ва "жаҳон коммуникация тизимидаги киришини жадаллаштирувчи қулай шароит

яратишига хизмат қилиши"ни кўзлаб қабул қилинган.

Лотин ёзувига ўтиш ҳақидаги қонуннинг кетидан Ўзбекистон парламентининг тегишли қарори ҳам эълон қилинган. Бир неча бор, лекин одатда бир сабаб билан таҳрирланган бу қарорнинг охириги - 2004 йилги

намунасида янги алифбога тўлиқ ўтишнинг сўнги санаси қилиб 2010 йил 1 сентябрь кўрсатилган, бунда бош масъул қилиб бош вазир белгиланган. Лекин парламент қарори ижроси ҳали ҳам таъминланган эмас.

1993 йилги ўзбек лотин алифбоси турк алифбосининг айнан нусхаси эди, дейиш мумкин. Орадан икки йил ўтиб, қонун таҳрирланди, алифбо ўзгарди - "ц" ва (жирадаги) "ж" алифбодан чиқарилди, 1993 йил алифбосида бир ҳарф белги кўринишида бўлган "ч", "ш" ва "нг" "ch", "sh", "ng" каби ҳарфлар бирикмаси пайдо бўлди, битта белгидан иборат бўлган "ў" ва "ғ" энди ёнига алоҳида апостроф ҳам ёзиладиган "о" ва "г"га айланди.

21 йил аввалги мана шу ўзгаришлар бугунги тилшунослар, хаттоғлар, таржимонлар ҳамда ёзув ва тил тақдирига бефарқ бўлмаган кишилар учун ҳақиқий бошогриққа айланган, мамлакатнинг жаҳон коммуникация тизимидаги киришини секинлаштирувчи омиллардан деб ҳам айтилади.

"Дастурий маҳсулотларни таржима қилишда О' ва G' ҳарфлари ҳамда тутук белгиси яратаётган муаммолар тикилиб ётибди. О' ва G' ҳарфларидаги тескари бир тирноқ белгиси сўзни иккига бўлиб юборади. O'zbekistonda деган сўзни индекслаганда o-zbekistonda бўлади. Дунёдаги ҳеч қайси алифбода бундай ҳолат, яъни алифбодаги ҳарфда тинич белгиси йўқ", - деб ёзади Hamza Foziljonov Фейсбукдаги мунозараларнинг бирида.

"Алифбо мукаммал бўлмай туриб, унга асосланган ёзувни мукаммал қилиб бўлмайди. Ишни алифбони такомиллаштириш, уни хатоликлардан тозалашдан бошлаш

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

керак", - деб ёзган foziljonov.uz блоги ўзбек лотин алифбоси устидан интернетда бўлган жонли мунозараларни бирма-бир санаб чиққан.

Мунозара мавзулари орасида қисқартмаларни ишлатиш вақтида "sh" ва "ch" ҳарф бирикмалари мутлақо ноқобил бўлиши ("AQSh"ми ёки "AQSH"? Иккинчиси тўрт ҳарfli қисқартма бўлса-чи?), лотинча "y" ва "f" ҳарфларини ифодалаш учун қайси белгини ишлатиш кераклиги (апостроф, окина ёки тескари бир тирноқ?), ФХДЁ, АЁҚШ, ЯИМ каби қисқартмалар лотинда битта "y" билан (FH DY, AYQSh, YIM) ёзилиши тўғрими ёки "ya", "yo", "yu" бўлиб (FH DYo, AYoQSh, YaIM) турфаланиши керакми?, кабилари бор.

'Sentabr' ёки 'sentyabr'?

Мунозаралар орасида ҳуқуқшунос Хушнудбек Худойбердиевнинг "Қайси бири тўғри: 'sentabr' ёки 'sentyabr'?" сарлавҳали чиқиши бор. У 2013 йилда Фанлар академияси қошидаги Тил ва адабиёт институти томонидан чоп этилган 85 мингдан ортик сўздан иборат "O'zbek tilining imlo lug'ati"да баҳс мавзусига айланган куз фаслидаги ойлар номи "sentabr", "oktabr" эмас, балки "sentyabr", "oktyabr" кўринишида ёзилганига диққатни тортган.

Луғат муаллифлари институтининг ётакчи тилшунослари билан маслаҳатлашган ҳолда", рус тили орқали кириб келган ва таркибида "ё", "ю" ва "я" ҳарфлари бўлган русча ва байналмилал сўзларни барча ўринларда бир хил, яъни "yo", "yu", "ya" ҳарфлари билан ёзишни ва шу орқали соҳадаги ҳархилликни бартараф этишни энг мақбул йўл деб ҳисоблаганини билдирган.

"Барча сўзлар бир қолипга келтирилган бўлса, бу шубҳасиз фойдали иш. Аммо мазкур ўзгартиришларнинг ҳуқуқий асоси борми? Ўзи ўзбек тилининг имлосидаги қатъий қоидаларни давлат даражасида ишлаб чиқадиган ҳамда эълон қиладиган бирон ташкилот борми? 15-16 йил sentabr дейишди. Халқ энди ушбу қоидага кўниккан, шу қоидага амал қила бошлаган пайтда, бир гуруҳ тилшунослар sentyabr хулосасига

келишиб, катта ҳажмда ва кўп босмада имло луғати чоп этишди. Балким 5-6 йил ўтиб Тил ва адабиёт институтига янги тилшунослар гуруҳи ишга кирса, яна sentabr вариантини қўллаб-қувватлашса, нима қиламиз?", - деб бу ҳолатга эътироз билдиради Хушнудбек Худойбердиев.

Мунозарага ўзини мазкур луғатнинг ношири сифатида таништирган Sanjar Nazar ҳам қўшилган: "Қабул қилинган имло қоидаларида "сентябрь" "sentabr" шаклида ёзилишига асос бўладиган бирорта ҳам қоида мавжуд эмас. Мутлақо бошқа ҳарфнинг имлоси ҳақида ёза туриб, "sentabr" қўлланган, холос. Агар бу ўзгаришнинг остида илмий принцип мавжуд бўлса, уни бемалол қабул қилиш мумкин. Яъни, янги имлодан эътиборан барча сўзлар талаффуз қилинганидек ёзилса. Масалан, "истанса", "истакан", "мошин".

"Ц" ҳарфи билан боғлиқ муаммо ҳам алоҳида баҳс мавзусига айланган. Фикр билдирувчиларнинг аксарияти "цех" сўзининг лотинча кўриниши ("sex")ни кўрганида, хаёли бузилишини ёзган. Эътиборли томони, 85 минг сўзлик луғатнинг муаллифлари ўзбек лотин алифбоси ишлаб чиқувчилари бу масалага жиддий қарамагани, "ц" ҳарфи иштирокидаги умуммаълум 3-4 сўз билан шошилиш хулоса чиқарилганини билдириб, ўзбек тилига бошқа тиллардан кириб, "ц" ўрнига "s" билан ёзилса, ўзга маъно англатувчи сўзлардан мисоллар келтирган ("цанга - sanga", "церий - seriy", "цоколь - sokol" ва ҳ.к.).

Бу каби баҳс-мунозаралардан чарчаган Azam A. Kamalov шундай дардиҳол қилган: "Ҳамма айб - шу алифбони тузганларда. Менимча, ҳозирги ўзбек лотин алифбоси дунёдаги энг хунук лотин алифбоси бўлса керак: на кроссвордга ярайди, на аббревиатурага".

'Навоийни ўқиган болалар'

Ўзбекистон матбуотида Давлат тили куни муносабати билан ўзбек тили ҳақида махсус чиқишлар уюштириш, мақолалар эълон қилиш 1989 йилдан бери одат. Жумладан, давлат ҳомийлигидаги "Оила даврасида" газетасида янги ташкил этилган Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети ректори Шухрат Сирожидинов билан тил ва ёзув муаммоларига бағишланган катта

суҳбат чоп этилган.

Ректор янги университет фаолияти, Навоий асарларини ўқиш учун нима учун луғат зарурлиги, кўча-кўйдаги рекламаларда, идоралараро ёзишмаларда кўпол хатолар кўзга тушишию, бунга қандай чора кўриш кераклиги ҳақида берилган саволларга бирма-бир жавоб берган. Саволлар орасида лотин алифбосидаги камчиликлар ҳам тилга олинган.

Шухрат Сирожидинов Ўзбекистонда "Давлат тили ҳақида"ги қонунга амал қилинишини назорат этувчи ташкилот йўқлигини афсус билан қайд этиб, "тил меъёрларини бузганларни жавобгарликка тортадиган бўлимлар ташкил этиш вақти келгани"ни айтиб ўтган.

Тил ва адабиёт университети ректори алифбода "нг", "ц" товушлари учун махсус ҳарф берилмагани, журнал, жирафа каби ўзлашма сўзлардаги "ж" товушини янги алифбода ифода этиш имкони йўқлиги, баъзи сўзлар кирилл ва лотин имлосида икки хил ёзилиши борасида фикр билдирган.

"Бу савод чиқараётган ўқувчиларда ноқулайлик туғдирмоқда", - деган Шухрат Сирожидинов. Унга кўра, "нг"ни билдирувчи бир ҳарф йўқлиги сабаб ўқувчилар den-giz, ko'n-gil кўринишида хато бўғин кўчирмоқда, "biotsikl", "biotsentr" каби ўзлашма сўзларни "биот-сикл", "биот-сентр" каби талаффуз қилмоқда.

"Амалдаги алифбога асосланган имло қоидаларимизни қайта ишлаб чиқиш муҳим ва айна кунда зарурий эҳтиёж ҳисобланади. Университетимизда тузилган махсус ишчи гуруҳ шундай тақлифларни тайёрлаш борасида иш олиб бормоқда. Миллий талаффузимизда келиб чиққан ҳолда имло қоидаларига "ц" ундоши билан боғлиқ ўзгартириш киритилиши режалаштирилган", - дейди Шухрат Сирожидинов.

Ўзбекистон билан бир вақтда имлосини кириллдан лотинга ўзгартирган Қорақалпоғистон 2009 йили ўз лотин алифбосини ислоҳ қилиб, жумладан, унга "ц" ҳарфини киритган.

Мустақилликдан кейин Ўзбекистон каби лотин алифбосига ўтиш йўлини тутган Озарбайжон ва Туркменистонда бу жараён ўтган асрнинг охиридаёқ якунига етган.

Манба: www.bbc.com/uzbek

Муаззам Иброҳимова

Кеча ёнимиздаги масжиднинг олдида бир аёлга кўзим тушди.

У эҳсон кутисининг кичкина ёриғидан пул ташлашга уриниб, уддасидан чиқа олмас, сабаби, кўллари қаттиқ титрарди. Ёрдамлашиб юборганимдан сўнг менга синиқ жилмайди ва четроққа чиқишимни илтимос қилди. Юрагида хозир кимгадир айтмаса бўлмайдиган дарди борлигини хис қилиб қулоқ тутдим.

—Ғалатироқ хотин экан, деб ўйлаётгандирсиз?— гап бошлади суҳбатдошим.

Аёл жавобимни кутмай, сумкасидан чиройли бир кизнинг суратини чиқарди.

—Бу Зулайхо,-деди овози бўғилиб,- юзига эътибор беринг нурли-а?

Дарҳақиқат кўхликкина кизнинг юзидан нур балқиб турарди.

—Ўзим Тошкентлик эмасман,- давом этди суратни жойига солган аёл, - Чимкетликмиз. Ўзбекистонга келин бўлиб тушганимга анча бўлди. Эрим жуда ақлли, тижорат билан шуғулланадилар. Бирин-кетин уч фарзандли бўлдик. Ўзимизга тинч, тўқ оиламиз....

Аёл қанчалик бахтиёр бўлмасин, бир нуқтага қараб қотиб қолган шахло кўзларида қандайдир мудхиш воқеанинг дахшати зоҳир эди.

—Шу йил баҳорда бозор айланиб юрган эдим, —давом этди у. Савдо қилаётган чиройликкина бир киз кўзимга ўтдек кўринди. Танигач, қувончдан бақариб юбордим:

—Зулайхо!

Унинг опаси билан қалин дугона бўлиб, ўн йил бир синфда ўқиган эдик. Йилларни тез ўтишини қаранг. Уйларига дарс тайёрлагани борганимизда бешиқда ётган қиз, улғайиб чехрасида опасининг қиёфаси акс этиб турарди.

У ҳам мени таниб хурсанд бўлиб, кучоқлаб олди. Анча вақтгача у ёғ, бу ёғдан гаплашиб турдик. Ота-онаси, дугонам, ўзимизникилар хақидаги саволларим билан бироз соғинчим босилгач, ўзи хақида оғиз очдим.

Зулайхо Тошкентда алақайси олийгоҳда битирувчи босқич талабаси бўлиб, шанба-якшанба кунлари эса аёлларнинг рўмол ва шарфларини олиб сотар экан.

—Ишламасам бўлмайди Раъно опа. Бошқа давлат фуқороси бўлганим учун контракти ҳам шунга яраша. Ўқишимга отам ва акаларим амаллаб тўлайди аммо ўзим ҳам қимирлаб турсам

айбмаску, тўғрими?

—Тўғри,- дедим унинг харидорлар билан муомаласидан завқланиб, - Бинойидек эпласан. Қандингни ур!

—Онамга ҳам бу ишим маъқул бўлди. Улар “Ўғрилик, ғарлик уят! Қолгани халонинг бўлсин қизим!” дейдилар.

Зулайхоларнинг онасини яхши билганим учун бунга шубҳам йўқ, отаси ҳам халол одам.

Унга манзилим ёзилган қоғоз ва телефон рақамимни берар эканман, якшанба кунни уйимизга меҳмонга таклиф этдим.

У уч якшанбадан

**Эҳ дунё...**

сўнг, кунларнинг бирида болаларимга совға саломлар кўтариб кириб келди. Шунчалик севинганимдан ўтиргизгани жой топа олмайман. Болаларимку “опача”лаб бири ширинлик солинган тақсимчаларни олиб келса, бири музлаткичдан яхна гўшт олиб кесади. Норин тайёрлаётган эдим. У ҳам энгини шимариб ишга унаб кетди. Гап гапга уланиб, бир пасда таом ҳам тайёр бўлди. Энг кичкинаму Зулайхонинг кўлидан тутиб, “мен экскурсоводман” деб уйларимизни кўрсатиб чикди.

—Вой опажон буюрсин!- деди астойдил севинган қиз. — Эшитгандиму, аммо бунчалик чиройли уйда яшашингизни рост тасаввур ҳам қилмасдим. Ўн саккиз хонами?

Унинг соддалигидан кулиб юбордим. Кичкинамининг айби! У девор —дармиён қўшнилари уйини ҳам бизники дейди. Санокни яхши билмагани учун хоналар сонини ошириб айтаверади. Аслида, хоналар сони саккизта экани, кичик қайнимни уйласак, ҳаммамиз бирга яшашимиз учун ҳам қўшимча қурилишлар қилганимизни тушунтирдим.

Кечки етиларда кириб келган турмуш ўртоғимга уч хафтадан буён таърифини келтираётган қизни таништирар эканман, “мана менинг

қишлоғимдан қанақа ҳаракатчан, эпчил, оқила сингилчаларим бор” деб ғурурланиб ҳам кўйдим. Ҳаммамиз ўтириб мазза қилиб овқатландик.

Зулайхонинг хозирги турар жойи билан қизикқан қайнотамнинг чехраси тундлашди.

—Қизим,-деди у чўрт кесиб, - ўрисниқиди туришинг яхши эмас! Келиним хурмат қиладиган оила фарзанди экансан. Ана уйлар бўш ётибди. Эртагаёқ кўчиб келиб шу ерда яша. Раънопангга ҳам ёрдамнинг тегади.

Зулайхо пича ўйланиб туриб, рози бўлди. Севинганимдан қайнотамга қанақа миннатдорчилик билдиришни билмайман. Уни қайтишига йўл кўймай, олиб қолдик.

Эрталаб машинада у айтган манзилига йўл олдик. Уч-тўрт халтача чиққан нарсаларини олиб, уйимизнинг энг чиройли хонасига жойлаштирдим. Синфдош дугонамни кўриб тургандек айланиб —ўргиламан. Хуллас бемалол дарс қила олиши учун ҳамма шароитларни яратиб бердим.

Зулайхо бу эътибордан ўнғайсизланар ва яхшилигимизни қайтариш учун тиним билмасди. Ҳаммадан биринчи туриб,

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ховлиларни чинни-чироқ қилиб супургани майли, дарсдан қайтгач ҳам апил-тапил овқатланиб, уй ишларига ёрдамлашишга ошиқарди. “Кўй, керакмас! Дарсингни қил. Ўзим қилавераман!” деганимга қарамай кулиб билганидан қолмасди. Тўртинчи фарзандимга оғироёқлигимни билиб қолган Зулайхо кўлимни совук сувга урдирмай кўйди. Бозордаги савдо-сотигини ҳам йиғиштириб менга кўмаклашар, ҳар доимгидек оғир кечадиган хомилдорлигим у туфайли анча енгиллашган эди. Мен ёмон токсикоз бўламан. Энг тоза ёғнинг хиди ҳам чучмал туюлиб, ошхонага кира олмайман, унча-мунча нарса ёқмай ўқчийвераман.

Уч ой шу тахлит ўтди. Чаққонгина, кўли ҳам, тили ҳам ширин Зулайходан ҳамма хурсанд. Аввал хомилдорлигимда хизматкор олишга мажбур бўлардик. Бегонани ҳеч жиним суймай, тайёрлаган овқатларини ҳам таъбим тортмай ичардим. Синглимдай кадрдон бўлиб қолган Зулайхога эса бемалол ишонаман. Орада уч-тўрт марта касалхонада ҳам ётиб чиқдим. Мени кўргани келган болаларнинг уст-боши ораста, олиб келган таомлари мазали.

Июнда ўқиши тугаган бўлсада Зулайхо мени ўйлаб сентябр ойидагина хонадонимизни тарк этди. Хайрлашар эканмиз, эрим ва қайнота -қайнонам билан маслаҳатлашган холда тилла

тақинчоқлар тўпламини совға қилдик. У хафа бўлиб, кўлимизни қайтарди. Мен мажбурлаб тақиб кўйиб “Сарпанга бу синглим буюрсин!” деганимдан сўнгина ноилоҳ қабул қилиб, ҳаммамизни дуо қилди. Еган ичганига розилик сўраб, қайта-қайта раҳмат айтди. Жуда яхши киз эдида Зулайхо.... Жудаям яхши.

Ҳикоясиининг шу ерига етганда аёл чуқур хўрсинди.

Хаёлимда, бировнинг ишончини суистимол қилиб эрига тегиб олган қизлар гавдаланди.

-Нима, у ҳозир ёмонми? Эрингиз билан юриб кетдимми? Оилангиз бузилдими?

Аёллигимга бориб, миямга келган келган саволларни пайдар-пай берар эканман, ўз тахминларимни тўғри деб ҳисоблаб, баралла йиғлаб юборган суҳбатдошимга ачиниб кетдим.

-Кўйинг, хафа бўлманг опа! Худога солинг! Шунча яхшилигингизни билмабди. Илондай кириб олган эканда ўзиям?

-Йўқ,-деди елкалари силкиниб йиғлаб юборар экан,- Қани энди сиз айтгандек бўлса! Эримга тегиб олса, илонлик қилса ҳам майли эди.

Бу хотин жинними? Алмойи-жалмойи гапларидан соғ одамга ўхшамайди. Нима деяётганини ҳам билмайди чоғи? Бир оздан сўнг у сал ўзига келгач чуқур хўрсинди, узоқ бир нуктага хиссиз тикилганча лаблари титради.

-Қани энди сиз айтганчалик бўлса! Зулайходай кундошим бўлса, жон дердим! Аммо у энди

йўқ. Тушунапсизми, йўқ?! Уни ўлдириб кетишибди. Бизниқидан кетган кунёқ ўлдиришган экан. Тахмин қилаётгандирсиз нима учун?

-Нахотки?

— Ха, уни ўша тилла тақинчоқ учун! Уни тунаб, бўғизлаб, сўнг анхорга ташлаб юборишибди... Кеча ўша аблахларнинг суди бўлди. Хали йигирмага ҳам кирмаган махлуклар яхшигина оиланинг фарзандлари экан. Қилган жиноятларини эса сесканмай тан олишди... Одамлар нима учун бунчалик вахшийлашиб кетишган синглим? Аллақандай, икки пулга қиммат матоҳлар учун бир-бирини молдай сўяверади. Бечора Зулайхо, совгани бераётганимизда “Опа ҳеч бунақа нарсаларни тақмаган эдим. Менга ярашмаса керак?” деб олгани унамаган эди. Мен ахмоқ эса унинг гапларини ҳижолатга йўйиб, ўзимча бир камбағал қизнинг хизматларини муносиб тақдирлаяпман” деб ўйлабман. Ундан кўра, ўзига ўхшаб, чиройли дуо қилиб кўймайманми? Бечора киз ўша мальунларнинг эътиборига тушмас ва ҳозир ҳаёт бўлармиди?

Аёлга нима деб тасалли беришни билмадим. Шу улуғ кунларда Зулайхонинг руҳига Аллоҳдан махфират сўрашдан бошқа чорам ҳам йўқ эди...

Бу воқеа 2012 йили бўлганди. Қоғозга ҳам ўша вақтда туширилган. Ўқиб бўлсангиз, Зулайхога ўхшаган жабрдийдалар ҳаққига дуо қилишни унутманг

Манба: Facebook.com



Мактаб ўқитувчиларининг ойлиги ошди, аммо...

Янги раҳбар, янги қарорлар, ҳамма хурсанд.

Аслида эса, эски ҳаммом эски тоз. Раҳбар алмашгани билан тузум алмашмади.

Кесиб этагига улайди, кўли кўринганини сезиб қолса этагидан кесиб енгига улайди.

Мактаб ўқитувчиларининг ойлиги ошди, бу ҳам бўлса

Шардмандаларча давлат ўзининг я н г и л и к қилаолмаслигини яна бир маротаба исботлади.

Давлат бир кўйлакни бюджетга кийдириб кўйипти, оёғи кўринса уялганидан енгини

давлатнинг ҳисобига эмас, балки яна шу бечора ўқитувчининг ўз ҳисобидан ошди.

Таълим мактабларида ўқувчи сони 20 тадан ошса инглиз тили, рус тили, информатика каби фанлар гуруҳларга бўлиб ўтилар эди.

2016 йил 1 октябрдан бошлаб эса мактабларда ўқувчи сони 25 тадан ошсагина гуруҳларга бўлинсин, бўлмаса қўшиб ўтилсин деган қарор чиқди.

Натижада мактабларда анча ўқув соатлари қисқариб кетди. Баъзи ўқитувчилар эса жуда кам дарс соатлари билан қолди.

ЎХХ хабарлар бўлими

"Озодлик" радиосининг хабар беришича, Тошкент шаҳрида президент сайлови арафасида участка нозирлари ва маҳалла фаоллари уйма-уй юриб, хонадон эгалари ва ижарада турган шахсларни рўйхатга олмақда. Хонадон эгаларининг айтишича, рўйхатга олиш учун келганлар уйда қайддан ўтганлар сони, қанча одам яшаши, ижарачилар бўлса улар ҳақидаги маълумотларга қизиқмоқда, оиланинг чет давлатларда юрган аъзолари сайловгача қайтиб келишини таъминласин учун қариндошларига босим қилинмоқда.

Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги хонадон эгаларидан бири Озодлик билан суҳбатда рўйхатга олувчилар 16 октябрь куни уни уйига ҳам келганини айтди:

- Уйда нечта хона, қанча одам яшайди, чет элга кетганлар, уйда ижарага турганлар бўлса уларнинг ҳам ҳужжатини сўради. Дейлик, ропискада бору, лекин ўзи яшамайди. Бундайлар ҳақида ҳам маълумот сўради. Ижарага одам қўйган бўлса, "шартнома қани", дейди. "Нимага бу", деб сўрасам, "сайлов олдида одамларни рўйхати тузиляпти", деб, қўшниларникига кириб кетишди, - дейди исми сир қолишини истаган тошкентлик.

Одам яшамайдиган, бўш турган хонадонлар эшикларига эса уй эгаларидан зудликда паспорт ва уй ҳужжатлари билан маҳалла фуқаролар йиғини ёки милиция таянч пунктига келиши ҳақидаги огоҳлантирув хатлари ёпиштириб кетилмоқда. Хатда хонадон эгалари белгиланган муддатда келмаса уйлари тегишли идора вакиллари иштирокида муҳрланиши ҳақида огоҳлантирилган.

Тошкентнинг Олмазор туманидаги "Қичкирик" маҳалласи фаоли Озодлик билан суҳбатда бу тадбир 4 декабрга белгиланган президент сайлови олдида аҳолини рўйхатга олиш мақсадида ўтказилаётганини айтди.

- Президент сайловида паспортизация бўляпти. Бу бутун республика бўйлаб ўтказилапти. Бир ойдан бери юришяпти уйма-уй участкавойлар, ГУВДдан одамлар, юриб текширяпти. Бизда ҳозир аҳоли сони чиқмаяпти. Кимдир чет элда, кимдир рўйхатда уйда бор, лекин яшамайди. Айримларнинг уйда ижарачи бор, лекин вақтинча рўйхатга олинмаган. Шунинг учун, ҳозир бизга тепадан топширик



Сайловлар арафасида хонадон эгалари ва ижарада турган шахслар рўйхатга олинмоқда

бўляпти, уй эгалари ва ижарада турган одамларнинг паспортларини копиялари - ҳаммасини йиғиб, ИИБга берилиши ҳақида, - деди Олмазор туманидаги "Қичкирик" маҳалласининг исми ошкор этилмаглигини истаган фаоли.

Милиция ва маҳалла фаоллари уйма-уй юриб текширувлар ўтказаятган бир пайтда пойтахт аҳолиси орасида одамларни бўш турган уйлари ноқонуний тарзда "притон"- исловатхонага айлантирилди, деган ваз билан тортиб олинаётгани ҳақида ҳам гап-сўзлар тарқалди.

- Яқинда қўшнимизнинг уйини печатлаб кетишди. Ҳеч ким яшамайдиган уйлари шунақа печатлашапти. Айрим гап-сўзларга қараганда, ноқонуний ижарага берилган уйлар "притон"

қилинди, деб ҳужжатлаштирилиб тортиб олинапти ва милиция ходимларига берилаётган экан, - дейди Тошкентнинг Юнусобод туманида яшовчи Саодат опа.

Тошкентнинг Юнусобод туманидаги исми сир қолишини истаган маҳалла фаоли Озодлик билан суҳбатда одамларни уйлари тортиб олинаётгани ҳақидаги гап-сўзларни инкор этди.

Лекин, суҳбатдош агар уй эгаси Ўзбекистон қонунчилигига хилоф тарзда хонадонни ноқонуний "притон"- исловатхона учун ижарага берган бўлса уйи тортиб олинишини тасдиқлади.

- Агар уй притонга айлантирилган бўлса тортиб олинади, шунақа ҳолатлар бўляпти, - деди маҳалла фаоли.

Айни пайтда уйма-уй қираётган маҳалла фаоллари мамлакатдан ташқарига чиқиб кетганлар бўлса "сайловгача қайтиб келсин", дея уларни қариндошларига босим ўтказмоқда. Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси расмийларига кўра, мамлакатда 21,4 млн дан кўпроқ сайловчи қайд этилган.

Бу Ўзбекистон аҳолисининг учдан икки қисмидир. 2015 йилги президент сайловида ҳукумат расмийлари 20,798 млндан кўпроқ сайловчи қатнашгани ҳақида маълум қилган.

Мустақил кузатувчиларга кўра, мамлакатда яшаш ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши учун етарлича шароитлар яратилмагани боис, беш миллиондан ортиқ одам ҳозир хорижда ишламоқда.

Манба: "Озодлик" радиоси





кўрқиб, яширадиган сири ҳам, молу - мулки ҳам бўлмайди.

Ҳалол меҳнат, ҳалол усуллар билан топганини бемалол сарф қилиб, очик - ойдин, ёруғ юз билан яшайберади!

Бағри очик бўлади!

Ҳаром ва алдовлар, муттаҳамликлар орқали топганини йўқотишдан кўрққан номардаларгина ваҳшиёна йўл тутишга маҳкумдирлар!

Зеро, тутган йўллари ҳаром бўлганидек, топган лўқмалари ҳам ҳаром!

Бугунги Ўзбекистон

Кўрқоқлик - ваҳшийликнинг онаси!

Яна бир бор таъкидлагим келди: Кўрқоқлик - ваҳшийликнинг онаси!

Ёвузлик - кўрқоқликдан туғилади...

Одамда мардлик бўлса, кўрқиши ёки эҳтиёткорлиги учун ҳечқандай эҳтиёж қолмайди.

Сири фош бўлишидан, борини йўқотишдан кўрқмайди...

Чунки - мард одамнинг бировдан

сиёсатчилари ҳақида гап чиққани учун айтдим...

Уларнинг биронтаси ҳалол йўл билан ҳокимиятга келган деб айтишнинг ўзи ғалат...

Шу сабабдан ҳам уларнинг биронтаси халққа қайишади деб бўлмайди!

Яхшилик кутишдан фойда йўқ...

Ёдгор Обид

Манба: facebook.com

"Экстремист" деб кимни айтиш мумкин?

Келинг, ўйлашиб кўрайлик...

Биз кўпинча ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган ёки кўлидан келганича ҳимоя қилишга уринаётган ватандошларни ҳукумат матбуоти (аслида, матбуотнинг "ҳукуматники" дейишда ҳам ғалатлик бор. Матбуот туб маънода эркин бўлиши, ҳукуматга мансуб бўлмаслиги керак) ва бошқа ҳукумат одамлари томонидан "экстремист"ликда айбланаётганига кўзимиз тушади...

Ҳукумат эса, тинч аҳолининг, ватандошларнинг тинчини бузиб, уйларига қуролланган ҳолда бостириб киради, пахта теримига зўрлик билан ҳайдаб чиқаради, уйлари, квартираларини тинтув қилади, истаган нарсаларини "конфискация" қилади, яъни, тўғри маънода, тортиб олади. "Нимага бундай қиласизлар? Нима айбимиз бор?" деб сўрашнинг ўзи давлатга ва давлат одамларига қаршилик кўрсатганлик бўлади ва қамоққа олинишига имкон беради...

Ҳамманини уйида намоз ўқиши ёки ўқимаслиги ҳам назорат остида...

Ҳар қадамда очикдан очик пора талаб қилиниши, "порасиз ҳам иш битириб бўладими?" деган гаплар оддий ақидага айланиб қолгани ҳақида гапирмай кўяқолайлик...

Деярли ҳарбир оддий меҳнаткаш устидан назорат ўрнатилгани ҳам...

Булар ҳақида оғиз очиб гапириш, ҳақиқатни айтиш - жиноят!

Бунинг учун қамоққа олишлари мумкин.

Худди шу сабаб билан қамоқхоналарда йиллаб азоб чекиб ётганлар қанча...

Бундай ҳукумат зўровонлигига, тазйикларига, мутлоқ беайбларни жазолаганлари ва жазолаётганларига истаганча мисоллар келтириш мумкин...

Ана, энди, дўппини кўлга олиб, ўйлаб кўрайлик...Тўғри маънода "экстремист" деб кимни айтиш мумкин? Ўз ҳақ - ҳуқуқларини ҳимоя қилишга уринаётганларини ёки ҳукуматнинг ўзиними?!

Масалан, "Ўзбекистонда - экстремист ҳукумат ҳукмрон" деган жумла тўғри бўладими?

Сўраб қўйгим келди...

Ёдгор Обид

Матбуотимиз тирилади...ми?

Эркинлик – Фармон ёки Қарор билан жорий қилинмайди. Тўғрироғи, бу мумкин бўлмаган бир ишдир. Жамиятнинг эркинлашуви табиий жараёнлар ичида кечади.

Шу кунларда кўпчилик мамлакатимизга биров "тоза ҳаво" киргани ҳақида гапирмоқда, ҳаяжонланмоқда.

Бирок ҳаяжонланишга ҳали эрта. Битта "Вертуал қабулхона" бутун бир миллатнинг муаммосини – ҳар куни "эшик тақиллатиб" турган 10 мингта шикоятчининг дардини ҳар доим ҳам

ҳал этиб беролмайди. Демак, биз эркин ва демократик жамият куриш ниятимиз бўлса, Сўз эркинлигига, Матбуот

эркинлигига эҳтиёж туямиз. Лекин айни пайтда бу соҳада ҳеч қандай ўзгариш қилиб бўлмайди. Чунки соҳа бутунлай ўлиб қолган! Матбуотнинг ўлганига 15 йилча вақт бўлди. Яъни, Матбуот ва

ахборот агентлиги қошидаги "Давлат сирларини сақлаш инспекцияси" тугатилганидан кейин Матбуот "ўлди"!

Шу инспекция тугатилмасидан олдин "давлат сирлари" унчалик кўп эмасди. Тугатилгач, "давлат сирлари" кўпайиб кетди. Натижада, матбуотимиз бўғилиб

"ўлди".

Эндиликда ана шу матбуотни тирилтириш мавриди келди. Бу хайрли ишга кўл уришдан олдин эса битта иш қилиш керак: соҳадаги кадрларни 100 % алмаштириш керак!

Бизда битта газетанинг тепасига чикиб олган Бош муҳаррир 15-20 йилсиз тушмайди. Газета шахсий томарқасига айланиб кетади. Агар бир амаллаб "тушириб" олсангиз, 1-2

йилда бошқа нашрнинг "елқасида" кўрасиз. Мисол учун, Ўзбекистонда "Халқ сўзи", "Ўзбекистон овози", "Қишлоқ ҳаёти" деган газеталар бор.

Ўқиганмисиз? Нимасини ўқигансиз? Ва нимасини ўқийсиз? Ҳар куни Бош Вазирнинг "Вертуал қабулхона"сига минглаб шикоятлар ёғилапти. Нега "Халқ сўзи"га бормайди? Ахир у ўз номи билан Халқнинг Сўзи-ку?!

Юртимизнинг қайсидир бир чекқасида ноҳақликдан азият чекаётган одамлар қачонгача "Вертуал қабулхона"га мурожаат қилади? Унда бу газеталарнинг кимга кераги бор?

Хуллас, Матбуот соҳасини, айниқса, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси фаолиятини тубдан ўзгартириш, ислоҳ қилиш ва малакали кадрлар кўлига бериш

фурсати етди!

Алишер Назар

Манба: www.facebook.com

Авваллари урушлар ҳудудлар учун бўлар эди. XX асрда урушлар асосан ресурслар учун бўлди. Йигирма биринчи асрда эса уруш ақл учун бўлмоқда. Очиги: Қрим қайтгани умуман аҳамиятсиз. Путин Курил ороллари қайтариб берадими, йўқми, аҳамиятсиз.

Ҳатто Аляскани қайтариб олганимизда ҳам, глобал ҳеч нарса ўзгармайди. Сўнгги инқироз кўрсатдики, нефть ва бошқа ресурслар ҳам аҳамиятсиз экан. Мана бизда ресурслар бисёр. Ҳўш уларни нима қиламиз? Нонга нефть суртиб еймизми? Нефть нархи тушиб кетди, тамом, бюджет қийналади, ҳамманинг кайфияти тушкун...

Дунёда Сингапур деган давлат бор, катталиги Москва. Иқтисодиёти дунёдаги энг очиқ ва

ҳам битта илова орқали такси чақирасиз, севимли кофеингизни ўша таниш “Старбакс”да ичасиз. Аввал янги жойда яшаш янги ҳаёт бошлаш дегани эди. Ҳозир бир-икки «клик» орқали иш топиш, икки «клик» орқали билет олиш, яна икки «клик» билан квартира

шуғулланадиган Россия ифтихори Мария Шарапова – Россиянинг мағлубияти. Ҳа, у расман Россия фуқароси. Лекин у АҚШ иқтисоди учун ишлаяпти. Ўз мураббийлик мактабини АҚШда курмоқда. Бу рўйхатни менинг ёрдамимсиз ҳам бемалол ўзингиз узок давом этира



НЕГА РОССИЯ АҚШГА МАҒЛУБ БЎЛАДИ?

коррупциядан ҳоли мамлакат. Доимо иқтисодий эркинлик рейтингларида етакчи ўринларда. Нархлар барқарор, ЯИМ эса жон бошига дунёдаги энг юқориларидан бири. Сингапурда ер ва ресурс умуман йўқ. Ҳатто сувни ҳам Малайзиядан сотиб олишади. Лекин, маҳаллий аҳоли турмуш даражаси юқори. Қолаверса, дунёнинг турли чеккаларидан одамлар у ерга ишлаш учун боришади. Ёки Япония. Худуди ҳам катта эмас, ресурсларга ҳам бой эмас. Лекин дунёдаги энг кучли иқтисодиётлардан бири. Яқингача АҚШдан кейин иккинчи ўринда эди. Энг зўр техника, энг зўр автомобиллар... Айтмасам ҳам биласиз.

Замонавий дунёда муҳими ақл. Ишлаш ва яшаш учун қулай шароит яратган давлат ғолиб чиқади. Замонавий одамлар мобил ва билимли. Маданий тўсиқлар деярли йўқ. XIX ёки XX асрда бошқа давлатга кўчиб ўтиш жиддий қадам ва оғир ҳаётини синов эди. Бугун кўчиш кичик стресс, ёшлар учун эса умуман оддий иш. Замонавий технологиялар сизга дунёнинг исталган нуқтасида ўзингизни уйдагидек ҳис қилиш имконини беради. Атрофингиздаги одамлар билан алоқа узилмайди. Москвада ҳам ва Нью Йоркда

топиб душанба куни Лондонда ишга чиқиш мумкин. Ёшлар учун чегаралар мавжуд эмас. Ёшлар учун Лондонга бориш Омскка боришдан осонроқ. Ёшлар қайси жой яхши ва қулай бўлса, ўша жойни танлайди.

Мен синфдошларим билан доимий алоқада эмасман. Яқинда уларнинг ҳаёти қандай кечаётгани билан қизиқиб кўрдим. Ижтимоий тармоқлар орқали уларни изладим. Барча иқтидорли ва истеъдодлилари кўчиб кетишган. Кимдир АҚШ, кимдир Европа, яна кимдир Исроилга. Бу – муаммо. Улар Россияда қолишлари мумкин эди, лекин, улар кетишди.

Ҳар йили Кремний водийсига боришга ҳаракат қиламан ва ердаги бизнинг ёшлар билан кўришаман. Кетишган, чунки у ерда имконият кўп. Чунки у ерда бизнесингни тортиб олишмайди. Чунки у ердаги суд кимнингдир кўнғироғи орқали қарор чиқармайди. Бунақа катта ва кичик мисоллар кўп. Кимдир, бу ерда ҳеч кимга кераги йўқлигини билиб, АҚШ тоғ чанғичиларига мураббийлик қиляпти, кимдир дунёнинг етакчи компанияларида биз ҳар куни ишлатаётган иловалар устида ишлашмоқда. Бу – Россиянинг мағлубияти.

Бизнеси тортиб олгани сабаб четга кетган Дуров – Россиянинг мағлубияти. АҚШда яшаб, ўша ерда

олишингизга ишончим комил.

Бунда й мағлубиятлар, масалан, бирор худудни бой берганимизчалик, яққол кўринмайди. Худудни харитада кўрсатиш мумкин. Бой берилган ақлларни эса харитадан кўрсатиб бўлмайди. Лекин бундай мағлубиятлар давлат учун сиз ўйлагандан кўра оғриклироқ.

Бугун одамлар Америка ва Европа с а м о л е т л а р и д а учияпти, япон ва олмон автомобилларида юришибди. Биз эса

ҳаттоки оддий станок ҳам чиқара олмаймиз. Ҳа, ишонмаслигингиз мумкин, лекин, исталган замонавий корхонага боринг, у ерда бирорта Россияда ишлаб чиқарилган дастгоҳ кўрмайсиз. Яқинда мудофаа вазирлиги тасарруфидаги санкцияга тушган заводларимиздан биринг замдиректори билан суҳбатлашдим. Айтишича, чет эл банкларидан кредит олиш имконияти йўқолгани унча кўрқинчли эмас, пул топиш мумкин, ёмон тарафи – юқори аниқликда ишловчи станоклар сотиб олишга улгуришмагани. Чунки бу станокларсиз замонавий курул ишлаб чиқариш имконсиз.

“Булава” ва “Искандер”лар билан кўкрагимизга қанчалик урмайлик, одамларни бой беряпмиз. Космосга учуши мумкин бўлган, шаҳарларимизни бошқарадиган одам йўқ.

Думада ўтирган “ақллилар” эса ким кўпроқ аҳмоқона қонун ўйлаб топиш бўйича мусобақалашмоқда. “Халқ кўчиб кетяпти? Келинг, чиқиш визаларини жорий этамиз! Четдаги ҳисоб рақамларга тақиқ қўямиз. Икки фуқаролик олишни ҳам чеклаймиз!” Ҳар бир шунга ўхшаш тушаббус ортидан яна бир гуруҳ юқларини йиғиштириб, бир

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдиги саҳифада)

томонга билет олади ва Россияни тарк этади.

Кеча кайсидир журналист телефон қилиб яна бир шундай ташаббус бўйича фикримни сўради. Ҳар бир мэссенджерга, ҳеч ким ёзишмаларида қонунни бузмаслиги учун, фойдаланувчиларни идентификация қилиш мажбуриятини юклашмоқчи экан. Бу ташаббус мақолаларга фикр билдириш функцияси бор сайтларга ҳам таалуқли. Бу ҳақида нима ҳам деб ўйлашим мумкин?! Ҳеч нарса. Ўйлашимча, яна бир гуруҳ Россияни севувчи, шу ерда яшаш ва ишлашни истаган истеъдодли ва тадбиркор ёшлар АҚШ ёки Европага ишлаш учун равона бўлишади. Чунки ҳеч ким эртага ФСБ ёки Роскомнадзордан келган бирор “ақлли” бизнесини бир сонияда ёпиб қўйишини истамайди. Чунки Россияда Википедиядаги бир безарар мақола учун кунига миллионлаб одам кирадиган сайтни ёпиш ҳақида ҳукм чиқарадиган судлар, бу ҳукмни ижро этишга тайёр Роскомнадзор бор. Қаердадир эса бўлажак Стив Жобс ва Илон Маск “Россияда янги лойиҳа бошлашдан маъно борми ўзи?” деб ўйланиб қолади.

Ҳар бир бир томонга олинган билет – Россиянинг мағлубияти.

Эртага ФСБ ҳаммининг загранпаспортини тўплаб олиб, Россия чиқиш визаларини

жорий қилиб, чегараларни ёпиб қўйганида ҳам, амалда деярли ҳеч нарса ўзгармайди. Чунки замонавий давлат учун фақатгина ўз фуқароларининг ўз-ўзини реализация қилиш имконияти борлиги эмас, янги қон келиши ҳам жуда муҳим. Ким дунёнинг энг зўрларини жамлай олса, ўша энг зўрлар келиб, ўша ерда ишлашни хоҳлайдиган шароит ярата олса, ўша ғолиб бўлади. АҚШ, Европа ва Хитойдаги исталган муваффақиятли лойиҳа – бу ўша соҳанинг энг зўрларидан иборат, турли жойдан келган мутахассислар гуруҳидир. Бу IT-стартап бўладими ёки катта адрон коллайдер. Ва бу борада Россия ҳеч нарса таклиф қила олмайди.

Барча ривожланган давлатлар ҳозир ким кўпроқ ақллари ўзига жалб қилиш учун курашмоқда. Бу курашга Хитой ҳам кўшилган. Авваллари улар ҳамма нарсанинг нусхасини яратиш билан шуғулланар эди, эндиликда Хитой шунчаки фабрика ролини бажаришга рози эмас. Ва бунинг учун шароит яратилмоқда. Натижада ишлаш ва бизнес юритиш учун Хитойда келишмоқда.

Ғамгин нуқтада яқунлашни истамаган эдим. Лекин ҳозирча Россия ақлли, истеъдодли одамлар бу ерга келиб ишлашни исташи учун шароит яратаётганини кўрмайман. Гап пул учун ҳаттоки Сомали фуқаролигини олишга тайёр қария актёр ва қўшиқчилар ҳақида эмас. Мен ақллар ҳақида гапиряпман.

Янги маҳсулот яратадиган, бизнесларни ривожлантирадиган, коинотга ракета учирадиган, шаҳарларимизни бошқарадиган одамлар ҳақида. Улар эса йўқ.

Учинчи жаҳон уруши – ядро куруллари, роботлар, лазерлар билан бўладиган жанг эмас. Бу ақллар учун кечадиган жанг. Бу жанг аллақачон бошланган. Ва ҳозирча Россия мағлубиятга учрамоқда.

Нега айнан бу мақолани таржима қилишга қарор қилдим? Чунки, биз учун Россия ҳар нарсада намуна бўлишига ўрганиб қолганмиз. Россияга интиламиз. Россия бошқа ривожланган давлатлардан қанчалик ортда қолганини билсак, балки бизнинг ҳозирги аҳволимиз қай даражада эканини ҳис қилармиз?! Бизнинг аҳволимиз — Россияга бориб кўча тозалаш, теплицада ишлаш ва ҳоказо қора ишлар. Бизнинг аҳволимиз – ҳеч қандай шарт-шароит яратилмаган жойда ҳам ишлаш. Одамлар уйдан кўра, ўлим ҳавфи остида бўлса ҳам, Россияни афзал билишаётгани аҳволимиз нақадар ҳароблигининг исботидир. Шу қадар ҳаробки, биз нафақат ақллилар учун курашда (бундай маҳсулот яратмай қўйганмиз), балки оддий меҳнат кучи курашида ҳам мағлуб бўлмоқдамиз.

Шермуҳаммад Абдуғофуров таржима қилган.

Манба: shermuhammad.net

Ўзгаришларга умид қилса бўладими?

Ўзбекистон президенти Ислам Каримовнинг оғир хасталиги маълум бўлмасидан илгарийек, у сиёсий саҳнадан кетганидан сўнг республиканинималаркутаётганига оид саволлар шарҳловчиларда кўп эди. Тошкентда сарой тўнтариши бўлиши мумкинми? Элитанинг очикдан-очик кураши-чи? Революциялар, ислохотлар ёки бошқа туб ўзгаришлар-чи?

Айримларнинг Ўзбекистонда “туркман варианты” қўлланиши ҳақидаги фикрлари бир жойдан чиқарди. Мен ҳам худди шу пессимистлар гуруҳида эдим. Ҳокимиятнинг тинчгина ва беғалва тарзда худди шундай авторитар раҳбар қўлига ўтиши, “ҳокимият вертикали”нинг ва сиёсий бошқарув моделининг сақланиб қолишини

кутардим. Аммо кўнглимнинг бир чеккасида ижобий ўзгаришларга умид ҳам учқунланиб турарди. Хўш, бугунги кунда, биринчи шаҳс алмашганига бир ой бўлгач, Ўзбекистоннинг келажаги ҳақида нима дейиш мумкин?

Бу вақт ичида Ўзбекистоннинг янги президенти (узр, “президент вазифасини бажарувчи”) Шавкат Мирзиёев аслида жуда кўп нарсани амалга оширишга улгурди. Биринчи навбатда “кадрлар сиёсати” билан шуғулланиб, кувғиндаги икки-учта олий даражадаги амалдорларни сафга қайтарди, илгари “тақиқланган” юлдузларга эстрада саҳнасига қайта йўл очиб берди. Кимдир Интерпол қидирув рўйхатидан олиб ташлади...

Қирғизистон билан чегарада

жойлашган Ўнғартепа баҳсли худуди атрофидаги муаммони “изга солди”, минтақадаги бошқа қўшнилари – Тожикистон ва Қозоғистон президентлари билан илиқ суҳбатлашди.

Милиция тўғрисидаги узоқ кутилган қонунни, фуқаролик ҳақидаги қонунга киритилган ўзгаришларни имзолади, коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунни тезкор тайёрлашга топшириқ берди. Фуқароларнинг шикоятлари учун виртуал қабулхона очди, бу қабулхонага йигирма мингдан ортиқ шикоят келиб тушганмиш. Навбатдаги амнистия ҳақида низом ишлаб чиқишни буюрди...

Бу фактлар Ўзбекистонда

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

“иликлик” бошланганидан далолатми? Мамлакат янги раҳбарининг бир қарашда ёрқин бўлиб кўринаётган бу амаллари келгусидаги ислохотлардан дарак берадими? Албатта йўқ.

Шуниси тушунарлики, бу шунчаки сайловдан олдинги кураш бўлиб, янги раҳбар қудратли ва журъатли, режали ва замонавий, адолатли ва шафқатли эканлиги ҳақида “шаҳарга ва дунёга” юборилган хабардир. Бу баландпарвоз телевизион нутқлар шунчаки ҳақиқий ҳаётнинг ёқимсиз манзарасини беркитиш учун қилинмоқда – бу ҳаёт пахта далаларидаги қулар меҳнати, цензуранинг кучайиши, “диндор”ларни ва ҳар қандай ўзгача фикрлиларни таъқиб қилишнинг давом этиши ва ҳаммага маълум коррупцияда ўз аксини топган.

Аммо гап бунда ҳам эмас. В.Б.нинг фаоллигишундан гувоҳлик берадики, битта президент кетиб, иккинчиси келгани билан давлатни бошқариш тарзи умуман ўзгармади. Мамлакат президенти вазифасини бажарувчи ва бир пайтнинг ўзида бош вазир Мирзиёев бугун Ислоҳ Каримовнинг айни нусхасидир. У ҳам “янада юксалтириш мақсадида...” янгидан-янги фармойишлар чиқаришни севарди, ўзи вазирлар маҳкамасининг раиси бўлмаса ҳам, ҳукумат номидан ҳам фармойиш чиқараверар эди.

Ислоҳ Каримов бир рамз бўлиб, унда мамлакатнинг бутун олий ҳукумати мужассамлашган эди. Қерак бўлса, Каримов узоқ вақт Ўзбекистоннинг ягона мафқураси, жамиятнинг “бошқарувчи ва йўналтирувчи” кучи бўлган. У ўз-ўзига Марказий Қўмита ва Политбюро эди.

Мирзиёев бугун худди шундай “бор-йўғимиз”га айланиб бормоқда. Бугунги кунда ҳам мамлакатда янги давлат раҳбаридан бошқа таниқли сиёсатчи умуман йўқ. Президент сайловларида ҳақиқий рақобатчилар йўқ – ҳаммаси ўша кўғирчок партияларнинг мужмал бажарувчилари бўлиб, фақат энди улар бошқа кўғирчокбознинг қўлидаги кўғирчокқа айланишди.

Каримовнинг мухлислари унинг хизматларидан бири сифатида ўз шахсига сиғинишга йўл қўймаганини айтишади. Бунга қўшилмайман, сабаби эса қуйидагича. Шахсга сиғиниш,



умуман олганда, кўчадалардаги портретлар ва майдонлардаги тилла ҳайкаллардагина ўз ифодасини топмайди. Шахсга сиғиниш – бу мамлакатда битта одамнинг шакшубҳасиз авторитети ўрнатилади, қолганлар эса оёқ остидаги чикиндилардир. Ҳеч қандай туб ислохотлар кўринмаяпти, президент эса жамиятга суякни ташлагандай, навбатдаги фармойишни ташлаб, эртанги кун кечагидан яхшироқ бўлишини уқтирмоқда. Газетадаги ҳар бир мақолада “доно раҳбарият” ва “узокни кўра билувчи сиёсатчи” ҳақидаги стандарт жумлалар янграмоқда. Мамлакатдаги ҳар қандай ўзгариш фақат шу “шахс”нинг рухсати билан бўлмоқда, қолган амалдорлар эса бирданига “ўз номзодини қайтариб олишди”.

Ўзбекистон олдингидай шунақа “кўлбола”, битта шахс бошқаруви остидадир. Олдингидай, фақат битта шахс нимага рухсат бериш-у, нимани тақиқлашни, кимни судлаш-у, кимга шафқат қилишни ҳал қилади. Туркменистонда, Сафармурод Ниёзов ўрнига Гурбангули Бердимухамедов келганида ҳам худди шу нарса бўлган эди. Бошида салкам “реформатор” деб аталди,



мамлакатда ва хорижда унинг номи билан катта умидлар боғланди, аммо тезда диктаторга айланиб, олдингисидан ҳам баттарроқ ўзбошимчалик қилмоқда.

Ўзбекистоннинг янги юртбошисининг гапларида узок қутилган ўзгаришлар “белгиларини” кўриш мумкиндир, аммо бу мамлакат энди қайси йўналишда ривожланишини тушуниш учун биттагина аломат бор.

Агар мамлакат Конституциясининг қабул қилинганига бағишланган амнистияга биноан қамокхоналардан барча сиёсий маҳбуслар ва журналистлар, барча айбсиз, ноҳақ қораланган ва сохта ишлар бўйича жазоланганлар озод этилса, янги ҳукумат эса аввалги режимнинг жиноятларини қораласа, шундагина ўзбек жамияти жиддий янгиланиш учун имкониятга эга бўлади.

Акс ҳолда ҳаммаси ўз ҳолича қолади. Вақтинчалик (сайловгача) ҳаммаси чиройли кўринишда бўлиб туради. Худди Туркменистондагидек бўлади, у ерда Ниёзов давридаёқ қамалган одамлар – амалдор ва журналистлар, сиёсий рақиблар ва зиёлилар қамокда азоб чекмоқда.

Туркман Бердимухамедов ўз мамлақати сиёсий тизимининг реформатори сифатида тарихда қолиш имкониятини қўлдан чиқарди. Ўзбек Мирзиёевда ҳали имконият бор. Аммо улар сўниб бормоқда.

Даниил Кислов
Манба: “Фарғона” АА



жойингизни айтинг,
полияцияга телефон
қиламан, кутқаришади,
дедим ўйлаб ўтирмай.

Йигитнинг жавоби
мени хайратга солди:
"Акажон, илтимос, шу
милисабозлик қилмасак,
улар барибир ёрдам
беришмайди," деди
умидсиз оҳангда.

"Унақада қандай
кутиласиз?" дедим
асабийлашиб. "Пешанада
борини кўрамиз ака!"
Йигит ҚУЛЛИККА рози
эди.

ўлиб қолсачи?" - сўрадим отадан.
"Ўлмайдими, Худо хоҳласа" - деди ота
бамайли хотир.

Ўйланиб қолдим: Бош эгиб
яшаш, ҳақсизликни суқут билан
тан олиш фазилатми? Биз киммиз
ўзи?

Одамлар ўзлари ишонганларига
ишонгилари келади

Охирги кунларда ижтимоий
тармоқларда Каримов ёмон эди,
лекин Мирзиёев яхши, деган
риторикага дуч келаяпман.

Рости гап, ўзларини ойдин
деб билган кимсаларнинг
унутувчанлиги, аниқроғи,
унутишга бўлган иштиёқи мени
жуда асабийлаштиради.

"Мирзиёевни яхши деб турайлик,
зора яхши бўлса..."

"Мирзиёевни яхши деб турайлик,
балки ростанам яхши бўлса"

"Мирзиёевни қўллаб-
қувватлайлик, ҳаммаси зўр
бўлади"....

Шу қабилдаги қабих жумлаларни
ўқисам, бисотимда бор ҳақоратни
ишлатаман.

Уларга савол бергим келади:
Алишер Соиповни отиб кетганлар
қайси режимга хизмат қилганди?
Самандар Қўқоновнинг 24
йилдан буён қамоқда ўтирганини
билишадими? Обид қори Назаровни
бошига ўқ узганлар қайси
тузумнинг итлари эди? Хорижда
қулдек ҳақсиз қўча супурган,
қоровуллик қилаётган, танасини
сотаётган миллионлаб инсонларни
қайси режим сифдиради ватанга?

Каримов эди, Мирзиёев
ҳаммасини изга туширади, деб
баҳона кидирманглар зинҳор!

Мирзиёев нияти яхши бўлса
бордир, лекин, унутманг, У -
УЗУРПАТОР! Конституцияни оёқ
ости қилган, Каримов ҳокимиятига
2003 йилдан буён раҳбарлик қилган
инсон!

Майли, у Каримовга қарши
чиқишга ожиз бўлган бўлиши
мумкин, лекин БУГУН, ҳеч бўлмаса,
"ОТАМ каби эди, унинг НУРЛИ
ЙЎЛИДАН ҚАЙРИЛМАЙМИЗ",
демасин!

Уни кетини ўпа бошлаганларга
эса бир гапим бор: одамлар ўзлари
ишонган нарсаларига ишонгилари
келади! Демак, сизнинг ишончингиз
РИЁГА қурилган.

Сирожддин Толибов (Ислом)
Манба: Facebook.com

Одамлар ўзлари ишонганларига ишонгилари келади

Айтингчи энди биз киммиз?

1. Ҳикоя

Россияда кулликка тушиб қолган
ўзбек йигити йиғламсираб телефон
қилди.

Илтимос, мени кутқаришга
ёрдам беринг, деди телефонга
шивирлаб. Уни "қулдорлар" эшитиб
қолишидан кўрқарди.

Нима бўлганини сўрадим.

Бир неча ЙИЛ олдин келиб,
кавказликлар эгалик қилган
фермага ишга киради. "Ўшандан
буён на ойлик бор ва на дам олиш
куни. 14-16 соатлаб ишлайман,
нормани бажармасам, ўлгудай
қилиб калтаклашади, илтимос,
ўтиниб сўрайман, мени бу ердан
кутқаринг!".

Дарҳол тез ҳаракат қилиш
кераклигини тушундим. Унга

2. Ҳикоя.

Бугун Косонда пахтага ётоққа
чиқарилган Чироқчи касб-хунар
коллежи ўқитувчиси директоридан
ўласи қилиб калтакланганини айтиб
беришди. Сабаби пахтага чиққан
талабалар уйларига қочворипти.

Ўқитувчини эътиборсизликда
айблаган директор уни тупроққа
белаб тепкилайди. Ҳодиса
ҳамманинг кўз ўнгида бўлади.
Ўқитувчи икки кун қон сияди.
Орқасининг момоталоғи чиқиб
кетган.

Отаси билан гаплашдим. "Энди
айби ўзида, - деди отаси ўғлини
урганнинг ёнини олиб. - Бир икки
шапалоққа ўлиб қолмайди!".

"Ўғлингиз буйраги ишдан
чиксачи ё, Худо кўрсатмасин,



Тилда атай бузғунчилик билан давлат қонунини бузиб, бунақа кинолару кўшиқларни ясаб ташлаётган, ҳаммаёқни чет атамалару чаласавод ёрлик, реклама матнларига тўлдираётган, алламбало алфозда жилд-жилд босмаларни “бадий асар” деб чиқараётган, эфирда қанақадир ярқисиз “Ўзбекча” вағиллаб турганларлар шу лоқайдлик ботқоғимизда гуркираб ўсаётган алафлардир ва уларни инсофга чақириш, тарбияли бўлишга ундаш, тил – бу тафаккуримиз замини, миллий бойлигимиз – ўзлигимиз, уни бузиш эмас, кўриқлаш, асраш, тозалаб туриш лозимлигини ўқтириш ҳам бефойда. Худди мен ёзаётган шу гапларни ҳам деворга гапираётганим каби.

Аҳмад Аъзам ОНА ТИЛИМ – ЖОНУ ДИЛИМ тўртинчи мақола

Бу гапларни бир мисолдан бошласам, мисолки, сизни ўзингиз кўриб келаётган шунга ўхшаш жуда кўп бошқа мисолларга яна рупара қилади. Узр, шу гапим ҳам ўнқовсизроқ чиқяпти. Лекин муаммони бирга, кўпчилик бўлиб ўрганишим керак-ку, боиси унинг шунча кенг тарқалганида, ҳаммамиз бирга ўйлашимиз лозимлигида.

Хўш, янги бош директор эдим, студия ғаладонида маълум сабаблар билан беш йилми, кўпми “осилиб” ётган сценарийни ўқиб қолдим-да, дарров ишга тушириб юбордим. Киночиларга раҳбар бўлиб келишимдан илгари юзлаб кўрсатув, ҳужжатли фильм қилган бўлсам-да, ҳали бирор марта бадий фильмни суратга тушириш жараёни тепасида турмаган эдим. Бир куни каттасиниб, шу фильм “съёмка”сига хабар олиб бордим, жуда мураккаб юмуш экан: “мотор-стоп”, “бошладик-тўхтат!”, “қайтадан кетдик”, “дубл!”... Таниқли санъаткорлар ўйнаб беряпти. Улардан сал ичимда ҳайиққанам боис, раҳбардек ақл ўргатмай, чеккада қараб ўтирдим. Лекин бир жойи келди, сюжет бўйича “эру хотин” айтишиб қолади, шунда “хотин” “эри”га аччиқ қилиб, сиз кетсангиз, мен ҳам биттасини топиб оламан мазмунида: “Тешик мунчоқ ерда ётмайди”, деди. Суратга олиш тез-тез тўхтаб, сахналар қайта-қайта олинади, орадаги танаффусда ўша “хотин” актрисага: “Синглим, сценарийдан чиқманг. “Тешик мунчоқ ерда ётмайди” эмас, “Тешик кулча ерда ётмайди” эди”, дедим. Актриса русча ўқиган, табиий, муомаласи тили ҳам ўрисча эди, “Иўк, мен шундай дейман! Мунчоқ тешик бўлади (Нет, я так говорю! Мунчаки тишик бывают)”, деб менга ақл бўлди. Оббо,



Аҳмад Аъзам: Она тилим – жону дилим

мунчоқнинг тешигини билар экан, лекин шундай мақол борлигидан тубдан беҳабар! Тепадан пастга тушмаса, қаёқдан ҳам билсин! “Фалончихон, бу – кенг тарқалган ҳалқ мақоли, ўзбекчани бузиб айтманг. Ҳа, мунчоқ тешик бўлади, лекин майдалигидан ерга тушса ҳам, кўринмайди, ётаверади. Аммо кулча – бу нон, шунинг учун унинг тешиккулчаси ҳам ерда ётмайди. Мабодо тушиб қолса ҳам, одамлар олиб, кўзига суртади”, дедим. “А я не хочу! Из-за какого-то узбекского слова не буду менять свой язык”, деб, тил маданиятини оврупоча англр экан, айтганида туриб олди. Шунда режиссёр акамиз қулоғимга: “Унча фарқи йўғ-у? Майли, ҳозир кўнглини хира қилманг, мунчоғини дубляжда тўғрилармиз”, деб шивирлади. Биламан, тасвирга олиш жараёнида бировнинг аралашиши, ақл ўргатиши ножоиз, ҳам актрисанинг тарбия кўрган муҳити бошқа, табиийки, халқниқидан фарқли шароитда яшаётган бу “элита” вакилга минг тушунтирган билан фойдаси йўк, она тилини шунча янтоққа судраб гапиришини ҳам унга бир марҳамат кўрсатиш деб ўйлайди. Турган гап, мендан ранжиб қолди. Рост-да, шундоқ таниқли санъаткорни қанақадир авом сўзни айтишга мажбур қиляпман... Асли бу томорқа режиссёрники, унга сценарийдан чиқмасликни тайинлаб, қайтдим.

Фильм суратга олиниб бўлди, йиғма, яъни монтаждан ҳам чиқди. Энди “овозлаштириш” (“озвучивать”нинг таржимаси-да бу сўз), яъни фильмга овоз бериш, дубляж гали келди. Биласиз, актёр энди экрандаги ўзига қараб яна “ролга кириб” овозини ёздиради (ҳозир кўп фильмларда бу қоида қолиб кетган – актёр ёдламайди, матнни олдига қўйиб ўқийверади, шундан диалоглар

сунъий чиқади). Хўш, шунда режиссёр акамиз хузуримизга қадам ранжида қилдилар: “Шу, укажон, бир илтимос: шу, актёримиз ўз шеvasида гапирса!”. “Гапиравермайдим, ким унинг оғзига хўжайин? Мендан нимага сўрайди?”, дедим ажабланиб. “Иўк, фильмда ўз шевамда овоз берсам, шунга бош директордан рухсат олиб беринг, деяпти”. Ана холос! Қаёққа келиб қолдим! “Сценарий тоза адабий тилда ёзилган, тилни бузиб нима қилади?”, дедим. “Ўз шевамда овоз берсам, чапанилигим самимий чиқади, деяпти. Арзимас гап-ку! Иўк деманг энди сиз”, деб ялинди режиссёр акамиз. Бу кишим ҳам актёр томонида! Рухсат сўраганига ҳам раҳмат – анов кунги баҳс эсида-да. “Ака! Давлат тили ҳақида қонун бор, бунга адабий тилга риоя ҳам киради. Қонун ҳар қандай бош директордан, ундан катталаридан ҳам баланд туради, уни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўк. Кейин фильмда шевада гапириш чапанилик эмас, маданиятсизлик. Қаҳрамоннинг чапанилигини тил бузишда эмас, ижрода кўрсатсин эди”, дедим. Режиссёр акамиз босик-вазмин одам, бўлди, тушундим, деди-да, чиқиб кетди. Узимнинг ичимдан нималар ўтганини англаб турибсиз: бу шунақа, менга бегона бир дунё экан! Ҳалиги санъаткор жўрамиз ҳам, турган гап, бош директор ошириб юборяпти, шевага қарши, мана, шевада шунча фильм олинапти-ку, биров бировдан қонунга бўйсунини талаб қиляптими, деб ёзғиради.

Овоз беришда у жумлани бузмади-ю, лекин барибир талаффузи шевача қилди. Буни тўғрилаш, албатта, мумкин эди, аммо сут билан киргани чиқариш... ўзингиз биласиз. У кишим сал ўтиб бир мустақил телеканалда кўрсатув олиб бора бошлади, албатта атайин шевада ва... мана бўлмасам деб, мустақил бир газетада “Мен атайлаб шевада гапираман” деган чиқиш ҳам қилдилар.

Бу бир мисол ўша, етти-саккиз йил олдин урчиб бошлаган, кўп одамларга арзимас туюлган ҳолатларнинг бир кўриниши эди. Эндига келиб, уни юз ё мингга кўпайтириш, ўзимиз кўниккан, кўникаётган манзара — киночилигимиз тилининг кундалик манзараси кўз олдингизга келади. Нетонгки, тил ҳам айниб, маънавий тарбияга зид шалоқ аҳволга тушган! Мен бу мисолни ўзингиз биладиган муаммони яна бир ўйлаб олиш таклифида айтяпман.

Юксак минбарлардан ҳам айтиляпти, матбуотнинг ўзида гапириляпти, бонг ураётганлар

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдиги саҳифада)

чиқяпти, аммо ўз – ўзбек тилимизнинг бугуни ва эртаси борасидаги бу ташвишу даъватлар ўзимизнинг лоқайдлигимиз ботқоғига чўкиб кетаётир.

Дод деб юборинг келади – қоғозга додлайсан одам! Қоғознинг эса фақат қулоғи бор, оғзи йўқ – садо бермайди! Ахир, ҳамдардга додлайсан-да, одам!

Тилда атай бузғунчилик билан давлат қонунини бузиб, бунақа кинолару қўшиқларни ясаб ташлаётган, ҳаммаёқни чет атамалару чаласавод ёрлик, реклама матнларига тўлдираётган, алламбало алфозда жилд-жилд босмаларни “бадий асар” деб чиқараётган, эфирда қанақадир яроқсиз “ўзбекча” вағиллаб турганларлар шу лоқайдлик ботқоғимизда гуркираб ўсаётган алафлардир ва уларни инсофга чақириш, тарбияли бўлишга ундаш, тил – бу тафаккуримиз замини, миллий бойлигимиз – ўзлигимиз, уни бузиш эмас, қўриқлаш, асраш, тозалаб туриш лозимлигини ўқитириш ҳам бефойда. Худди мен ёзаётган шу гапларни ҳам деворга гапираётганим каби.

Албатта, шевада гапирсинлар, тўйиб гаплашсинлар, зеро шевалар тилнинг илдишлари, тўғрироғи, булоқлари; улар ҳам қуриб қолмаслиги лозим. Лекин, афсуски, шеваларни ҳам ОАВнинг сунъий тили тангликка солиб қўйган, глобаллашувни рўқач қилиб, унинг панасида ёт атама, ёт ибора, бузуқ бирикмалар уларга ҳам бостириб кираётир. Ҳаётнинг равиши – кексалар ўтиб кетади, катталар кексаяди, ўзимиздан келаётган ёш авлод “глобаллашиб”, ўз шевасини майиқ-майриқ қилиб гаплашади – бу булоқларнинг ҳам қуриб бошлаганини шундан ҳам билса бўлади.

Гап жамоат минбари эгаси адабий тил экани ҳақида кетаётир! Миллатнинг таркиб топиш омили ва шу миллатдаги бошларни бир-бирига қовуштириб келаётган тилимиз ҳақида. ОАВ минбарига чиққан, кўпчилиikka юзланган одам, агар ўзини ҳурмат қилса, марҳамат қилиб адабий тилда гапиришсин! Минбарга етган одамнинг елкасида умуммиллат юки бўлиши зарур! Мактабдан олий ўқув юртларига, мажлису йиғинлардан расмий тадбирларгача давлат тилида бўлиши лозим ва лобид! Давлатимизга мадҳу сано ўқиманг, унинг тилига амал қилинг. Ахир, кеча уни ҳимоя қилиб кўчага чиққан ўзимиз эмасми! Ҳамма дарслар адабий тилда ўтиладиган, устозлар ўқувчилар шевасини адабий тилга буриб, уни ўргатадиган чиройли

қонун мажбуриятлари қаерда қолди? Энди бунга қилиб бўлмайди, деб ўйлайсизми? Йўқ, бўлади! Мен эски шаҳарнинг қоқ марказида тураман, шу маҳалладаги мактабда мучал тадбири бўляпти экан. Таклиф қилдилар, бордим. Икки соатча ўтириб, ўқитувчиларнинг гапларини. Болаларнинг сўзга чиқишлари, шеър ўқишлари ва қўйган сахналарини томоша қилдим. Болаларнинг ҳаммаси шу атрофдан, асосан туб тошкентлик оилалардан, ўқитувчилар ҳам шундай. Лекин бир оғиз ҳам шева эшитмадим. Ҳайрону хурсанд бўлиб ёнимда ўтирган ўқитувчига: “Қандай яхши, болалар мактабда адабий тилга риоя қилар экан”, десам, ўқитувчи сапчиб тушди: “Вой, нима деяпсиз, мумкин эмас! Дарсларни адабий тилда ўтамиз, ҳовлида ҳам болаларнинг адабий тилни бузиб гапиришига йўл қўймаймиз. Ахир, бу давлат тилимиз-ку!” деди. Бўлар экан-ку! Қойил бўлдим, лекин қани эди ҳамма мактабда шундай бўлса! Афсус!

Асли муаммонинг туби чуқурроқ, масала тилнинг сут билан қачондан қириши, боланинг она тилини қаердан ўрганиб бошлашида. Бешик тебратадиган келинларнинг бир қўли бешикда, икки кўзи телевизорда – алла айтиш фақат кўрик тадбирларида қолди. Оналар рўзгордан бўшамай ҳам телевизорга қадалиб олади. Бола бир нарса сўраса, бошимни қотирма, бор кўчага ўйна ё дарсингни қил, деб ҳайдайди. Эрақлар иш билан, боласи билан гаплашиб ўтиришдан ўзини олиб қочади. У ҳам хотинига қўшилиб сериал кўради. Эртақ айтиб берадиган бувилар ўзи азалдан сийрақ, экранга кўзи ўтгани... бунда ҳам ўша аҳвол. Булар ҳам ўтиб кетяпти. Дастурхон устида гурунлар йўқ бўлиб кетди. Бола қаердан тил машқини олади – у ҳам ноилож, телевизорга тикилади, сал эси киргани компьютерни титкилайди, суррогат нарсалар онгига қуйилаверади, жумладан бузуқ тил ҳам.

Албатта, ота-она болаларига эга-кесим ундоқ бўлади, тил қоидалари бундоқ бўлади деб ўргатиб ўтирмайди, аксинча, боланинг тили табиий муҳитда: ўзаро мулоқот, сўзлашув, ўйинлар, ҳангомаларда камол топади. Ва мактабда бу тарбияни олади. Тўғрироғи, олиши лозим. Мактабларда эса тил ўқитилиши ўқувчи болалар учун оғирлик қиладиган, зерикарли қоидаю боғланишлар изоҳига ўтиб қолган. Азалдан бери шундай. Мактаблар жонли мулоқот тилини ўргатмайди, эгаю кесим, гап бўлақларини кўрсатиб беради, холос, бинобарин, тирик тилга муҳаббат ҳам уйғотмайди,

Фикр шаклланиши, тилни билишнинг яна муҳим омили – китоб, бадий асар. Ҳозир ўқувчиларнинг аксарияти китоб ўқимайди, бадий асарларни варақлаб кўрмайди. Устила устак, дарслик – хрестоматиялар ҳам камбағал, улар ном санаш билан, ўтмишдаги катта адибларимизнинг ҳозирги ёшларнинг дунёқараши, қизиқиши, дунёбинлиги, кўнгил кечинмаларидан йироқ асарлари билан тўла. Ёшлар ўқийдиган нарса кам. Мана, бугуни кунга келиб шу мактаблар эккан арпа ҳосилини ўрпақмиз-да, ёшларимизнинг тили бунча камбағал, бунча сунъий деб, нимага булар беодоб бўлиб кетяпти, деб ёзғирамиз. Қўшиқ айтяпман деб алмойи-алжойи шанғиллаб ётганлар, уларга шайдоий қарсақ уриб, ўйинга тушаётганлар нафақат тил масъулияти, тил номуси нималигини, балки унинг ўзи нималигини ҳам билмайдилар. Ғулийликни ўзи ихтиёр қилиб танлаган ва шу билан фахрланадиган манқурт тоифа! Бу ўзимиз етиштираётган авлод.

Миллат руҳининг ифодаси бўлмиш адабий тилни бузмай, булакламай ривожлантириш керак. Зеро у давлатчилигимиз асоси ҳамдир. Тўқсон икки бовли ўзбекни бирлаштирган! Энди бу ўзбекнинг ҳар элати мактабдан бошлаб ўз шевасида гапириб, ўқиб-ёзадиган бўлса, кейин адабий тилни ҳар ёққа тортқиласа, тасаввур қиласиз-ку қаёққа ўтиб кетишимизни! Узи-ку шўро ухлит яшаб келаётган туркий миллатни сен алоҳида, сен алоҳида, мана, сенга битта республика, камроғинга, мана, мухторият деб улусларга бўлиб, орага қутқу уруғини қадаб қўйган эди. Туркистон туркийлари ҳар бири алоҳида миллат бўлиб олди, майли, бу миллатларга ҳам баракасини берсин, лекин ягона туркий тил бўлакланди, ҳар бўлаги ўзича ихоталаниб олди. Бир-бирини балодай тушунган элар бугун қон-қардоши тилини луғатсиз англаши мушкул. Майли, ҳар бири ўз давлатида униб-ўссин, тараққий топсин, лекин умумтуркий тил бирлигини йўқотмасинлар. Бу тил Туркистондай улкан ҳудудда умргузаронлик қилаётган миллатлар тафаккури ривожининг гаровидир. Бу тил бирлигига раҳна солиш бугунги кунда ҳар бир туркий миллатнинг ўзини ичдан парчалашга ҳам олиб келади. Ўтмиш тарихларда бу неча бор қайтарилган, ялакатмағиз катта улуслар парчалаган.

Умумтуркий дарёни ариқларга бўлақлаб ташлангани етмагандай, чифатой тилини адабий тилга

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

айлантиришда лексик бой имкониятларянаҳамторайтирилган, бугунги ўзбек адабий тилига асос қилиб қарлуқ-чигил-уйғур шеваларигина олинган. Масалан, жуда улкан ареал – кипчоқ лаҳжаси шеваларининг аксари бойликлари адабий тилга киритилмагани бизни қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, татар, бошқирд, олтой тиллари... умуман Россиянинг марказий, жанубий, шимолий худудлари, Олтой ўлкалари, Мўғулистон, хитой худудларида яшаётган туркий халқ, эл-элатлардан орамизни узоқ қилиб, лексикамизни ҳам торайтириб қўйган, бинобарин тилимизнинг ифода имкониятлари чекланиб қолган. Жаҳоннинг етакчи тиллари қаторига чиқа олмаслигимиз сабабларини ҳам шу ердан излаш керак. Бу менинг эмас, тилчи мутахассислар фикри ва бу ҳақиқат. Айни пайтда лексикографиямизга ўғуз ўғуз шевалари бойликларидан жуда оз киритилгани учун, мана, бугунги кунга келиб усмонли турк ва туркман тилларини гаплашганда англашимиз қийин, ўқишда эса луғатга муҳтожмиз. Бу “илмий” тадбирлар оқибатида адабий тилимизнинг сўз бойликлари камбағаллашиб, ифода имкониятлари яроқсиз аҳволга тушиб боряпти. Гап тилимизнинг чиндан-да бугунги замон талабларига жавоб бера олиши ё бера олмаслиги борасида кетаяпти.

Тескари иш қиялпмизми дейман. Тепада мен келтирган мисол майда, аммо катта ҳам майдадан каттаради. Ҳозир биз ОАВ, ТВ-радио тилини ҳар биримиз ўз маҳалламиз, ўз туман-вилоятимиз шеваларига тортқиласак, бу майдаликлар ёриғи эртага бориб жарликка айланади, алал-оқибат ўзбек миллатининг ҳам бирбунглигига таҳдид солади. Бу ваҳима гап ё муболаға эмас, энди уч бериб ўсаётган хавф. Миллатнинг ялакатмағизлигига даф қилаётган хатар! Нахотки бўрини кўриб туриб ўзимизни асрамасак, узоқ ва яқин ўтмишдаги бўлинишлар сабоқ бўлмаса!

Соҳибқирон бобомизнинг: “Бизким, малики Турон, амири Туркистонмиз, миллатларнинг энг қадими ва улуғи туркнинг бош бўғинимиз” деган гапларини айтиб фахр қиламиз-у, бу ўғит-васиятни танимизга олмаймиз

Туркий чигатой, яъни ҳозирги ўзбек тилимиз ўтмишда барча туркий эл ва элатларга тушунарли бир ўзак тил эди. Турк Юнус Эмро, туркман Махтумқули, озар Насимий, қозоқ Абай, қорақалпоқ Бердақ битта тил дарёсидан баҳра олган ва бугун уларни ўгириш ҳам унча шарт эмас. “Алпомиш”, “Гўрўғли”,

“Манас”, “Ўғузнама”, “Кўрқут ота” бир тил заминида яратилган. Бу тилнинг бош бўғини – шу, она тилимиздир. Уни асраб-авайлаш, унинг шева-лаҳжаларининг тоза булоқларидан яна сув олиш, фақат ўзимиз учунгина эмас, қардош тиллар ривожини учун ҳам ниҳоятда керак. Тилда олди-берди ўзимиз учун ҳам сув билан хаводек зарур.

Негаки тилимизнинг оҳори тўқияпти, тақирланиб бораётир. Гулу чаманзор бўлиши лозим замин сувсиз биёбонга айланаётир. Гап фақатгина чет истилоҳлар истилосида ҳам эмас – тилимиз ичдан ҳам емириляпти: “Мен ёлғиз қолишни хоҳлайман” – нима дегани бу, эри ўлиб, бева қолишни истаяптими ёки ёнимдан кетинг, демоқчимиз? Қайси тилда бу? “Мени ўз ҳолимга (тинчимга) қўйинг” деса бўлар эди-ку! Йўқ, шунақа бесўнақай гап қулоғимизга ҳар кун қайта-қайта қўйилади шундай гапиришни одатга айлантиради. “Айиқларнинг билиш қобилиятлари жуда ривожланган”, “Юзлаб шундай иплар осилиб туришади” (Форда тепадан силқиб тушадиган олтингугурт қислотаси ҳақида), “Барнео қурбақалари мана шундай имо-ишоралардан фойдаланишади”, “Улар истаганча яшашимга имкон беришади” (баланд биноларга тирмашиб чиқадиган анув одам ўз оиласи ҳақида) “Ҳозир кайфиятингни кўтаришга ҳаракат қилиб кўраман”, «Қайнатилган қозондаги сув бунчалик буғланмайди», “... дастлабки мағлубиятни қабул қилиб олган”, “Анча паст туриш ҳолатига эга” (боксчи ҳақида), “Табиатга нооқилона муносабатда бўлиш...” –мен бу ўламса бирикмаларни эътиборингизни тортиш учун мисол қиялпман. Бўлмаса ўзингиз ҳам ҳар кун мудом эшитасиз. Нафақат ортиқча, сунъий сўзлар, балки жумланинг таркиби, лексикаси ҳам бузук. Шу бузуклик урфга, қоидага айланиб, тилимизни чок-чокидан сўқиб юбораётир. Баъзан худога шукр дейман – ҳалича кўпимиз сўзлашувда шундай бурама-бурмали гапирмаймиз, тўғри, равон, оғзаки тил меъёрларига беихтиёр амал қилиб сўзлашамиз. Лекин ОАВга чиқишимиз билан тилимиз айнийдиган бўлмоқда, ОАВнинг айниган тилининг нуқси қайтиб ўзимизга уряпти.

Бир эътибор беринг: оддийгина мисол: “Янги йил муборак!” Ҳамма ерда шундай ёзадиган бўлдик. “Бўлсин”ни қўшмаганимиз боис жумла маъноси силжиб, йил бизга эмас, ўзига муборак бўлиб қоляпти. Худди гапиришга арзимаидигандек туюлади бу ҳам. Лекин шундай ёзиш ва ўқиш одатга айланаётганиб бораётгани одамни сескантиради.

Бир синглимиз чиқишини ҳе-бе йўқ, саломсиз: “Омонмисиз, азизим?”, деб бошлайди. Салом қани? Нима, биз экранга қараб ўтирганлар ур-тўполон муштлашувдан чиқдикми, омонлигимизни сўрайди? “Мен сизлар билан хайрлашаман” – гўё бизга қараб бир ўн киши гапираётган эди, шулардан биттаси биздан аразлаб қолди! Нимага хайрлашади, юз кўрмас бўлиб кетгулик қилганимиз йўқ-ку? “Хайр” билан “хайрлашаман”нинг фарқи бормаса, “Кўришгунча, омон бўлинг” деб қўя қолсин – шу кифоя-ку!

Демоқчиманки, ўз тилимиздаги сўз, ибора, бирикмаларнинг маънисига бормаслик кўникма бўляпти ва бу, айланиб келиб ёшларнинг тилини бузаяпти.

Катталар эса эътиборсиз.

Шу гапларни айтяпман-у, лекин, масалан, менга телевизорда футбол матчини шарҳла, десалар, узим ҳам шу “Коптокни боши билан уриб киритди”, “Коптокни оёғи билан олиб қочди” каби сунъий иборалар тортанагида типирчилаб қолсам керак, чунки тинмай такрорланадиган шу “зарбаю кучли зарбалар”дан каллам гангиб, очик гап, шарҳнинг ҳақиқий тили қандай бўлишига ақлим ҳам етмай қолган. Жумла ўзбекча, шарҳловчи (шуни бемалол “шарҳчи” деса ҳам бўларди) ўзбек, сўзлари ҳам ўзбекча, лекин шарҳи ўзбекча гапиришга ўхшамайди. “Футболчи тўпни ўйинга киритади”, оёғидан, бошидан, умуман ҳамма ёғидан нуқул “жароҳат олади”, оёғи қайриладими, лат ейдими, эти ё пайи чўзиладими, боши ёриладими, сийриладими, суюги дарз кетадими, фарқи йўқ – “жароҳат олади”, тамом! Бошқа сўзни қўлламаймиз. Ҳолбуки, тилимизда “жароҳат” – очик шикаст. “Жароҳат” билан “яра”нинг ҳам фарқи бор. Ҳужум қилинмайди, балки албатта “уюштирилади” ё “амалга оширилади”. Барака топгур, жилла курси, “ҳужумга ўтди” де, нима қанақа “амалга ошириладиганини” кўриб турибмиз-ку. Яна қаранг, икки боксчи муштлашяпти, биттаси кўпроқ мушт еяпти, “зарбаларни қабул қиялпти” экан, чидаш беряпти, шу “ютқизиш ниятидан воз кечмоқчи эмас”, деб, кейин гўё тўғриланади: “ютқизиш ниятидан чекинмоқчи эмасга ўхшайди”.

(Давоми келгуси сонда)

<p>“ERKIN YURT” интернет-газетаси Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий нашри www.uzxalqharakati.com/erkinyurt Муҳаррир: Нурбек Саломов</p>
--